

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
АВТОМАТЛАШТИРИШ, БОШҚАРУВ ВА МАТБАА ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилди”
Кафедра мудири проф.
_____З.Н. Қурбонов
“ _____ ” _____ 2014 йил.

“Ўзбекистон” ПТК молиявий ҳолатини аудит қилишда иқтисодий таҳлил
қилиш усулларида фойдаланиш
МАВЗУСИ БЎЙИЧА ЁЗИЛГАН

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. Мажидов А.А.

Бажарди: “Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит” таълим йўналиши битирувчиси
Сабиркулова К.Б.

Маслаҳатчи:
асс.Норматова Г.Х.

“ _____ ” _____ 2014 йил.

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди. _____сонли баённомаси “_____” _____2014 йил.

Режа:

Кириш.

I боб. Корхона молиявий ҳолатини аудит ва таҳлилнинг вазифалари.

- 1.1. Корхона молиявий ҳолатини аудит қилишнинг долзарблиги.
- 1.2. Корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг вазифалари ва ахборот манбалари.

II боб. Корхона молиявий ҳолати аудити.

- 2.1. Бухгалтерия баланси ва уни аудит қилиш тартиби. Корхона асосий воситаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш.
- 2.2. Корхона ўз маблағлари манбалари аудити.

III боб. Корхона молиявий ҳолати таҳлили.

- 3.1. “Ўзбекистон” ПТК молиявий ҳолатини аудит қилишда иқтисодий таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш.
- 3.2. Корхона активларининг таркиби ва ташкил топиш манбаларини таҳлили. Корхона баланси ликвидлиги ва тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили.
- 3.3. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлили. Корхонанинг айланма маблағларининг айланишини таҳлили.

IV боб. “Ўзбекистон” ПТК экологик таҳлили.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Илова.

Кириш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатининг аҳамияти ошиб бормоқда. Хусусий, жамоа, қўшма, ҳиссадорлик, давлат ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган корхоналар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, хусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатда бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан – баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Шу боис, ҳозирги шароитида ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислохотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдир.

Президентимиз И. Каримов: «Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа — бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир» деб таъкидлаган. Бу Республика иқтисодиётида фаолият юритаётган барча соҳа корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишини талаб этади.

Республиканинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, пул қадрсизланишини пасайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва бошқа шу каби макроиқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга мамлакатда фаолият юритаётганлар бир корхона, фирма, компанияларнинг хўжалик субъектлари сифатида ривожлантиришни тақозо этади.

Корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қуйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, резервлар ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Шу боис бозор иқтисодиётини эркинлаштириш ҳар биримиздан бухгалтерия ҳисоби иқтисодий таҳлил ва аудит ҳақида билимга эга бўлишимизни талаб этади. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, ҳисоб-китобларнинг пухталигига, пул оқимларининг оқилона бошқарилишига, молиявий масалалардаги қарорларнинг тўғри ва ўз вақтида қабул қилинишига ҳамда молиявий таҳлилнинг сифатли ташкил этилишига узвий боғлиқдир. Айниқса, бозорни тўғри ўрганишда, ҳамкорларнинг молиявий ишончилигини била олишда, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида ютказиб қўймаслик ва бойликлардан ўринли фойдалана олишда комплекс иқтисодий таҳлилнинг натижаларига асосланиб, бошқарув қарорларини белгилаш, фойда олишнинг зарурий шарти эканлиги тажрибада бир неча бор исботланган.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот

экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди. Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати.

Маълумот узатиш, статистика, молия ва солиқ ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий этилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқда.

2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак.

Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини янада камайитириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожига албатта муҳим аҳамият касб этади.

Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

Юртимиздаги 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ана шу ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскириб кетган. Жумладан, электр техника саноатида ускуналарнинг 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи эскирган.

2009-2013 йилларда самарасиз ишлаётган 172 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилди. Уларнинг 112 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва янги мулкдорларга сотилди. Банклар балансида қолган корхоналарнинг 43 тасида эса ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, яна 17 та корхонада бу борада иш олиб борилмоқда.

Битирув малакавий иш кириш, 4 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Ушбу иш “Ўзбекистон” ПТК молиявий ҳисоботлари ва маълумотлари асосида бажарилди.

I боб. Корхона молиявий ҳолатини аудит ва таҳлилнинг вазифалари

1.1. Корхона молиявий ҳолатини аудит қилишнинг долзарблиги

Молиявий ҳолат – хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар:

- ҳисобнинг ҳолати;
- молиявий ва статистика кўрсаткичлари;
- ривожланиш тамойили.
- барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва тегишли

тавсиялар берилади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонанинг мулкӣ ҳолати;
- корхона балансининг ликвидлиги;
- корхонанинг тўлов қобилияти;
- корхонанинг молиявий барқарорлиги;
- корхонанинг молиявий натижалари;
- корхонанинг рентабеллик даражаси.

Аудитор корхона молиявий-хўжалик фаолияти текширувини амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектнинг барча мол-мулки ва улар вужудга келиш манбалари тўғрисида ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари тўлиқ ва ишончли эканлиги нуқтаи-назаридан ўз вақтида амалга оширилганлиги, таҳлилий ҳисоб ҳолатини ўрганишга жиддий диққат эътиборини қаратиш лозим.

Одатда, таҳлилий ҳисобни қўллаш корхона маблағлари, уларнинг ҳосил бўлиш манбалари, молиявий ва хўжалик жараёнлари ҳисобини батафсиллаштиришдан келиб чиқади. Лекин, бухгалтерия ҳисобининг амалиётида таҳлилий счетлар бўйича иқтисодий турдош гуруҳларнинг ҳар бири нафақат корхонанинг умумий маблағлари, уларнинг манбалари ва

молиявий-хўжалик жараёнларини аниқ бир бухгалтерия счётида ҳисобга олинган пул ва миқдорий кўринишда ифолашдан ташқари, бухгалтерия ҳисоботини тайёрлаш, корхона фаолиятини таҳлил қилиш ва аудит ўтказиш учун асосий негиз ҳисобланиб, умуман бухгалтерия ҳисоби ҳолатини тавсифлайди.

Таҳлилий ҳисоб бухгалтерия ҳисобининг таҳлилий имкониятларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида маълумотни умумлаштириш курули ҳисобланади.

Таҳлилий счётларнинг таркиби ва мазмуни хўжалик операцияларининг аниқ тавсифлари, корхона молиявий-хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш вазифалари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби билан жамланадиган хўжалик операцияларнинг йиқиндиси алоҳида таҳлилий счётларда батафсиллаштирилади. Улар ҳисобот даврида амалга оширилган хўжалик операциялар, хўжалик ҳолатлари ва операциялар тўғрисидаги маълумотларни жорий ҳисобда акс этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби билан жамланган маълумотларни умумлаштириш ва гуруҳлаш бўйича батафсиллаштирилган маълумотларнинг гуруҳланган белгилари сифатида назарда тутиш лозим.

Таҳлилий счётлар тизими корхона томонидан хўжалик операцияларини нафақат пул ўлчамларида, балки синтетик бухгалтерия ҳисобининг умумлаштирилган кўрсаткичларига нисбатан таҳлилий ҳисобнинг батафсиллаштирилган кўрсаткичлари маълумотлилиқ даражасини оширувчи натурал ёки меҳнат ўлчамларида акс этиш имконини беради.

Агар корхонада таҳлилий ҳисоб юритилмаса, унда амалда бухгалтерия ҳисоби юритилмагани ва ҳисоб маълумотлари умуман мавжуд эмаслигини амалиётчи бухгалтерлар яхши билишади. Лекин, бир қатор ҳолатларда, айниқса тижорат тизимларида, хусусий компьютерларни қўллаш шароитларида, ушбу иш умуман олиб борилмайди ёки ниҳоятда паст даражада юритилади. Бу эса, ўз навбатида, фаолият кўрсатаётган корхонада таҳлилий бухгалтерия ҳисобини юритиш талабларига жавоб берадиган

тегишли чоп этилган хужжатлар йўқлиги сабабли, синтетик бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги ва баланс моддаларининг ишончилигини аниқлаш имконини бермайди.

Таҳлилий ҳисобнинг ҳақиқий вазифаси - бу синтетик бухгалтерия ҳисоби тизимида акс этилган молиявий-хўжалик операцияларни тўлиқ акс этишдан иборатдир. Бусиз таҳлилий ҳисобнинг умумлаштирилган кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисоботи ҳисобот шаклларининг асоси ҳисобланган ва фақат таҳлилий ҳисоб тизимида барча ишлар якунланганидан кейингина тайёрланиши мумкин бўлган баланснинг тегисли счетлар кўрсаткичлари ва алоҳида моддалари билан солиштириш йўли орқали бухгалтерия ҳисобининг таҳлилий ва синтетик кўрсаткичлари бир бирига мос келишлигини текшириш имкони бўлмайди. Бу жорий ойнинг ёки ҳисобот даврининг ҳар бир санасига бир вақтнинг ўзида таҳлилий ҳисоб тизими бўйича батафсиллаштирилган кўрсаткичлар билан бир қаторда, синтетик бухгалтерия ҳисобида жой олган умумлаштирилган кўрсаткичларга ҳам эга бўлиш мақсадида, синтетик ҳисобни юритиш билан бир вақтнинг ўзида таҳлилий ҳисобни ҳам юритишни тақозо этади.

Аудитор корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг текширувида, уни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида, таҳлилий ҳисоб кўрсаткичлари Бош китобда умумлаштирилган синтетик ҳисоб кўрсаткичларига, унинг кўрсаткичлари эса, корхонада қўлланиладиган таҳлилий ҳисоб тизимида батафсиллаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, баланс актив ва пассивининг тегисли моддаларининг кўрсаткичлари билан мувофиқлигини текшириши лозим.

Ушбу кўрсаткичларнинг бир бирига мос келмаслиги, корхонада молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини юритиш амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартиби жиддий равишда бузилганлиги тўғрисида далолат беради, бу эса, аудиторлик текшируви дастури ва келажакда тузиладиган аудиторлик хулосаси тузилишига тегисли хусусиятларни киритишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви жараёнида корхонада таҳлилий ҳисоб юритилмаслиги аниқланса, бу тўғрисида тегишли далолатнома тузган ҳолда, текширувни тўхтатиш мақсадга мувофиқдир, корхона билан эса, агар у мустақил равишда таҳлилий ҳисобни ташкил эта олмаса, аудиторлик ташкилоти кучи билан таҳлилий ҳисобни тиклаш тўғрисида шартнома тузилиши лозим.

1.2. Корхоналар молиявий ҳолати таҳлиlining вазифалари ва ахборот манбалари.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш молиявий таҳлилнинг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий мақсади – молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янади тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, харажатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади.

Корхонанинг молиявий аҳволи молиявий ресурсларнинг турлар бўйича мавжудлигини, рақобатбардошлик даражаси, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдида мажбуриятларни бошқариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуидир.

Корхона молиявий аҳволини баҳолаш мулкӣ ҳолат; ликвидлилик; молиявий барқарорлик; молиявий натижалар; ишга оид фаоллиқни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича баҳоланади.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси қуйидагиларни баҳолаш ҳисобланади:

- ✓ бухгалтерия баланси ва мулкӣ ҳолат кўрсаткичлари тузилмаси;
- ✓ асосий воситалар аҳволи, таъминланганлик ва фойдаланиш самарадорлиги;
- ✓ молиявий барқарорлик;
- ✓ ликвидлилик ва тўлов қобилияти;

- ✓ хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари;
- ✓ ишга доир фаоллик.

Бажариладиган вазифалар шуни кўрсатяптики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш корхоналарда шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Корхоналарнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу корхона билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, яъни молиявий таҳлил – бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усуллардан фойдаланилиб корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади.

Корхоналарни ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун анъанавий, қадимдан қўлланиб келинаётган усуллар билан бирга, кенг тарзда сатистика усулари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омиллараро корреляция алоқаларини аниқлаш, жадвал ва чизма тизимдан фойдаланиш лозим.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш натижасида корхона ва ташкилотларнинг халқ хўжалигининг қайси тармоғига ва қайси мулк шаклига муносиблигидан қатъий назар, янги ҳисобот шакллари ва уларни тақдим этиш тартиблари ўзгарди. Янги ҳисобот кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича халқаро андозалар талабига жавоб беради.

Корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг даражаси ва мазмуни фойдаланилаётган маълумотлар базасига боғлиқ. Иқтисодий фанларнинг ривожланиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг такомиллаштирилиш билан маълумотлар базаси ҳам такомиллашиб боради.

Демак, фойдаланиладиган маълумотлар молиявий таҳлилнинг манбалари бўлиб ҳисобланади. Бундай манбалар сифатида корхоналарнинг йиллик ва бошқа ҳисоботларини кўриш мумкин.

Янги тасдиқланган молиявий ҳисоботларда молиявий ҳолатни ҳар томонлама ифодалаш учун имкониятлар мавжуд. Молиявий таҳлилни ўтказишда, албатта юқорида кўрсатилган молиявий манбалар билан чегараланмаслик лозим. Зарурият бўлса, бошқа бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш ҳам керак. Молиявий маълумотлардан фойдаланган ҳолда корхоналар фаолиятига тўғри баҳо бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

II боб. Корхона молиявий ҳолати аудити.

2.1. Бухгалтерия баланси ва уни аудит қилиш тартиби. Корхона асосий воситаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

Бухгалтерия баланси корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси – хўжалик юритувчи субъектларда ҳар ойнинг биринчи санасида хўжалик маблағларининг турлари ва ташкил топиш манбалари бўйича иқтисодий гуруҳлаштириш ҳисобланади. Баланс 2 қисмдан: актив ва пассивдан иборат. Актив томонида корхона маблағлари, пассивида эса хўжаликнинг ўзига тегишли манбалар, кредитга ва қарзга олинган бошқа манбалар кўрсатилади. Актив маблағларнинг ошиши, пассивдаги манбалар ва фойданинг кўпайиши билан боғлиқдир. Баланснинг барча бўлим ва бандларини чуқур ўрганиш молиявий аҳволни тўлиқ ўзлаштиришнинг асосини ташкил қилади.

Баланс ўсганда корхона маблағларини гуруҳлаш ва жойланишини уларни ҳосил этиш манбаларини пул баҳосида муайян санага акс эттириш тушунилади.

Бухгалтерия баланси қуйидаги белгилари бўйича таснифланади: тузилиш вақти, ахборот ҳажми, мулкчилик шакли, акс эттириш объекти “тозалаш” усули.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланслари кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш балансларига бўлиши мумкин. Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтига тузилади. У корхона ўз фаолиятини бошлаётган мулкни кўрсатади. Жорий баланслар – корхона қонунчилик билан белгиланган муддатда мавжуд бўлган вақт мобайнида вақти-вақти билан тузиб турилади. Тугатиш баланслари корхона тугатилаётганда тузилади. Бўлиш баланслари йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлинганда тузилади. Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар бир марталик ва йиғма балансларга бўлинади. Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади. Йиғма баланс эса бир марталик баланслар асосида тузилади. У бирлашмалар, вазирликлар ва шу кабиларнинг хўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклларига кўра - давлат, ўз, аралаш, қўшма корхоналар ва жамоат ташкилотлари баланслари фарқланади.

Акс эттириш объектига кўра - баланслар мустақил ва алохида балансга ажратилади. Мустақил балансни юридик шахс бўлган корхоналар тузади. Алохида балансни корхонанинг филиаллари, цехлари тузади.

“Тозалаш” усулига кўра баланслар баланс “брутто” ва баланс “нетто”га ажратилади. Баланс брутто – тартибга солувчи моддаларни ўз ичига оловчи балансдир. Баланс нетто – қийматдан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилади. Масалан, асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини ҳисоб-китоб

қилиш учун асосий воситалар суммасидан уларнинг эскириш суммаси чегирилади (012 сатр= 010-011).

Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналар баланс-нетто тузади.

Бухгалтерия балансига қўйиладиган асосий талаблар унинг тўғрилиги, реаллиги, яхлитлиги, изчиллиги ва тушунарлилигидир.

Баланснинг тўғрилиги уни тузишда асосланилган хужжатларнинг тўлаллиги ва сифати билан таъминланади. Баланснинг ҳар бир моддаси хужжатлар, бухгалтерия ҳисоб рақамларидаги ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва инвентарлаш билан тасдиқланган бўлиши керак.

Баланснинг реаллиги. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин. Масалан, асосий воситалар маънавий эскирган, дебиторлик қарзини талаб қилиб олиб бўлмаслиги кабилар реал ҳолатни кўрсатмайди.

Баланснинг давомийлиги. Ҳар бир кейинги баланс олдинги балансдан келиб чиқиши билан изоҳланади.

Баланснинг аниқлиги. Балансни аниқ ва тушунарли бўлиши учун моддалар реквизитлари ва номлари икки тилда (ўзбек ва рус тилида) баён қилинган.

Баланс тўғри тузилганлигини текшириш асосан қуйидагиларга асосланади:

1.Баланс моддаларининг давр бошига кўрсаткичлари баланснинг олдинги давр бўйича кўрсаткичларига мос келиши. Агар олдинги йил бўйича ҳисобот балансига нисбатан йил бошидаги балансда ўзгартиришлар бўлса, бу тўғрисида тегишли тушунтиришлар берилиши лозим.

2.Давр охирига баланс моддаларининг кўрсаткичлари инвентаризация натижалари билан асосланган бўлиши керак

3.Баланс моддаларининг молия, солиқ идоралари, банк муассасалари билан ҳисоб-китоблар бўйича суммалари улар билан келишилган ва мувофиқ бўлиши лозим.

4. Якуний баланс маълумотлари ҳисобот йилининг охирига Бош китоб счетлари ёки шунга ўхшаш бухгалтерия ҳисоби регистрлари бўйича айланмалар ва қолдиқларга мувофиқ бўлиши керак.

5. Йил бошига ва йил охирига баланслар маълумотлари солиштириш имкониятига эга бўлиши керак. Кириш ва якуний баланслар моддаларини шакллантириш услубиётидаги ҳар бир фарқлар юзасидан тушунтиришлар берилиши керак.

Асосий воситаларнинг аудити қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Янги таҳрирда 2000 йил 26 майда 78-11-сон билан тасдиқланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 1997 йил 24 апрелда 391-6-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1996 йил 29 августда 257-1-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан 1997 йил 1 мартдан қучга киритилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом".

6. "Инвентаризация вақтида аниқланган мол-мулкнинг камомади ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби ҳақидаги Низом". 2001 йил 20 июнда 56/2001-38-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2001 йил 23 июлда 1054-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

7. "Балансдаги асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби ҳақида Низом". 2001 йил 28 февралда 26-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

8. "2001 йил 1 январ ҳолатига кўра асосий воситаларни қайтадан баҳолаш тартиби ҳақидаги Низом". 2001 йил 2 февралда РА-01/8-6а, 17-03/113А, 2001-32-сонлар билан Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси Қарори билан тасдиқланган.

9. Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи.

10. 1-сонли "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС). 1998 йил 26 июлда 474-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1998 йил 14 августда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 1-сонли "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" Ўзбекистон Республикаси БҲМС сига изоҳлар.

11. 5-сонли "Асосий воситалар" Ўзбекистон Республикаси БҲМСси. 2003 йил 09 октябрда 114-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2004 йил 20 январда 1299-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

12. "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш ҳақида йўриқнома" 21-сонли БҲМС. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

13. "Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш" Ўзбекистон Республикаси 19-сонли БҲМСси. 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19- 2075-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

14. "Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси" 70-сонли Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС). 2001 йил 14 февралда 20-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2001 йил 10 мартда 1016-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

15. "Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш шароитида аудит" Ўзбекистон Республикаси 11-сонли АФМС. 1999 йил 91 сентябрда 76-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1999 йил 23 сентябрда 823-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

16. "Юридик шахслар мол-мулки бўйича солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома. 2002 йил январда 25, 2002 йил 13-сонлар билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва 2002 йил 11 мартда 1107-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

Асосий воситалар аудитининг бош мақсади – корхона эгалигида бўлган, корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мўлжалланмаган моддий ва номоддий активлар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмалари тўғри ҳисобланганига ва баланс, ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда БҲМС талабларига мос акс эттирилганига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Асосий воситалар бўйича аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудиторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1.асосий воситалар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;

2.бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган асосий воситалар ва ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоблашишлар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

3.асосий воситаларнинг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;

4.асосий воситалар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашда арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

5.баланс ҳисоботида асосий воситалар ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини баҳолаш;

6.баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғри гуруҳлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий қўшимча маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Асосий воситалар аудитининг асосий вазифаларига мувофиқ текширувни етти йўналишга ажратиш мумкин:

1. асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити;
2. асосий воситалар ҳаракатининг аудити;
3. асосий воситалар бўйича эскириш тўғри ҳисобланганлигининг аудити;
4. асосий воситалар қабул қилиниши бўйича операцияларни текшириш;
5. асосий воситалар тугатилиши тўғри ҳисобга олинганлигини текшириш;
6. асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар асосланганлигини текшириш;
7. асосий воситаларга оид операциялар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш асосий воситалар юзасидан аудит далиллариغا асосланади. Асосий воситаларни аудит қилиш вақтида фойдаланиладиган аудит далиллари корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига боғлиқдир. Булар журнал-ордерли, мемориал-ордерли, соддалаштирилган, компьютерда ишлов учун йўналтирилган, шунингдек, қўлланиладиган регистрлар рўйхати, уларнинг тузилиши, улардаги ёзувлар

мунтазамлиги ва ёзув усуллари билан белгиланади. Лекин, асосий воситалар бўйича операцияларни ҳисобга олиш юзасидан қандай шакл қўлланишига қарамадан улар дастлабки ҳисоб ҳужжатлари қуйидаги умумлаштирилган идоралараро шаклларида расмийлаштириши лозимлигини унутмаслик керак:

-АВ-1 шакли - асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юк хати);

-АВ-3 шакли - таъмирланган, қайтадан тикланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

-АВ-4 - асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

-АВ-4а - автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

-АВ-6 - асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар варақаси ва бошқалар.

Асосий воситалар ҳисобининг аудиторлик текширувини режалаштириш иқтисодий субъект аудиторлик текширувининг йиғма умумий режаси ва йиғма дастури асосида амалга оширилади. Асосий воситаларни текширишга оид умумий режа юқорида қайд этилган бўлимлар бўйича аудит йўналишларини ҳисобга олиши лозим.

Режалаштириш босқичида аудит режаси ва дастурининг моҳияти аудитор томонидан қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши билан узвий боғлиқ: асосий воситаларга нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш; ички назорат тизимида нисбатан назорат рискинни дастлабки баҳолаш ва қўшимча назорат тестларини ишлаб чиқиш; қўшимча назорат тестларини қўллаш; назорат рискинни қайта баҳолаш ва асословчи тестларни ишлаб чиқиш; асословчи тестларни қўллаш ва асосий воситалар юзасидан ички назорат тизими бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Юқоридаги вазифаларнинг амалга оширилиши якунида ички назорат тизими етарли даражада сифатли деб топилса аудитор текширув қўламини қисқартириши ва мос равишда аудит режаси ва дастурининг батафсиллиги

хам қисқартирилиши мумкин. Умумий кўринишдаги аудит режаси ва дастурининг намунаси 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

Текширилаётган корхона «Ўзбекистон»ИТК; Аудит ўтказиладиган давр 2012.01.01.дан 2012.31.12.гача; Киши-соат миқдори; Аудиторлик гуруҳи раҳбари; Аудиторлик гуруҳи таркиби жалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги 4%; Режалаштирилаётган аҳамиятлилиқ даражаси 1%				
Т. р.	Олиб бориладиган ишлар режаси (вазифалар мажмуи)	Ўтказиш муддати	Ижрочилар	Изоҳ
1	2	3	4	5
1.	Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити	Ҳисобот йили бўйича		Иқтисодий субъект аудитининг йиғма умумий режасига мувофиқ
2.	Асосий воситалар ҳаракатининг аудити	-”-		
3.	Эскириш тўғри ҳисобланганлигининг аудити	-”-		
4.	Асосий воситалар қабул қилиниши ва барпо этилишининг аудити			
5.	Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳисобни текшириш			
6.	Асосий воситалар тугатилиши ҳисобини текшириш			
7.	Асосий воситалар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш			
Аудиторлик ташкилоти раҳбари				
Аудиторлик гуруҳи раҳбари				

1-жадвал. Асосий воситалар аудитининг умумий режаси

Аудит режасини тайёрлагач аудитор аудит дастурини тузади (2-жадвал). Дастурда аудит режасида келтирилган вазифаларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган аудит амалларининг батафсил тавсифи ёритилади.

Т.р.	Аудиторлик тадбирлари (муолажалари)нинг рўйхати	Ўтказиш даври	Ижрочилар	Аудиторнинг ишчи хужжатлари
1	2	3	4	5
1.	Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити	Йил давомида		
1.1.	Асосий воситаларни қабул қилиш бўйича комиссиялар тузилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Буйруқлар, фармойишлар

1.2.	Асосий воситаларни сотиб олиш-сотиш шартномалари расмийлаштирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Шартномалар, келишувлар
1.3.	Келишув нархлари бўйича баённомалар расмийлаштирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Баённомалар, келишувлар, буйруқлар
1.4	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларида уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс этилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Қабул қилиш-топшириш далолатномалари, инвентар варақалар, рўйхатга олиш дафтарлари
1.5	Объектлар қуриб битказилгани ва жиҳозлангани ёки тиклаш ва қисман тугатилганидан кейин уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс этирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Лойиҳа-смета ҳужжатлари, буйруқлар, инвентаризация далолатномалари
1.6.	Корхона бухгалтериясида асосий воситаларнинг синтетик ва таҳлилий ҳисоби ва улардан фойдаланиладиган жойларда моддий жавобгар шахсларнинг ишлари қандай ташкил этилганлигини баҳолаш	Ҳар чоракда		Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, ҳисоб сиёсати
1.7.	Корхонада асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби бўйича амал қилинаётган тартибни текшириш ва баҳолаш	Ҳар чоракда		Ҳисоб сиёсати, буйруқлар, сметалар, ҳисоботлар
1.8.	Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларини текшириш	Операциялар содир этилган сари		Буйруқлар, далолатномалар, инвентаризация ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари
1.9.	Асосий воситаларнинг охириги инвентаризация натижаларини текшириш	Йил давомида		Инвентаризация ҳужжатлари, дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари
1.10	Корхона бухгалтерияси томонидан асосий воситалар бўйича ҳисоб варақалари ва белгиланган моддий жавобгар шахслар бўйича инвентаризация рўйхатлари юритилиши тартиби билан танишиш	Ҳар чоракда		Ҳисоб варақалари, инвентаризация ҳужжатлари, буйруқлар, моддий жавобгарлик бўйича шартномалар
1.11	Корхона бухгалтерияси амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Буйруқлар, фармойишлар
1.12	Мавжуд асосий воситалар ҳисоботда акс этирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Ҳисобот шакллари

2.	Асосий воситалар ҳаракатининг аудити	Йил давомида		
2.1.	Низом капиталига ўтказилган бадаллар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Буйруқлар, қабул қилиш далолатномалари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари
2.2.	Низом капиталига бадал сифатида киритилаётган асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Баҳолаш услублари, таъсисчилар мажлисининг баённомалари
2.3.	Асосий воситалар Низом капиталига таъсисчилар бадаллари сифатида амалда киритилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Буйруқлар, далолатномалар, счетлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
2.4.	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб қилинганда асосий воситалар амалда тугатилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Далолатномалар, буйруқлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
2.5.	Асосий воситалар ҳаракати ҳисоботда акс этилганлигини текшириш	Ҳар чоракда		Ҳисобот шакллари
3.	Эскириш тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Йил давомида		
3.1.	Асосий воситалар бўйича ҳар ойда эскириш тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Ҳар ойда		Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс
3.2.	Эскириш ҳисобланмайдиган асосий воситалар объектларини текшириш	Ҳар ойда		Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, ҳужжатлар
3.3.	Тезлаштирилган эскириш ҳисобланадиган асосий воситалар объектларини текшириш	Ҳар ойда		Ҳисоб-китоблар, маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, сметалар
3.4.	Низом капиталига бадаллар сифатида киритилаётган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскиришни акс этувчи ҳужжатларини текшириш	Низом капиталига киритилиши бўйича		Директорлар Кенгашининг қарорлари, акциядорларнинг йиллик мажлис қарорлари
3.5.	Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланишининг бошланиши ва тугатилиши муддатларини текшириш	Ҳар ойда		Баённомалар, маълумотномалар, ҳисоблар, далолатномалар, баланс, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, пул оқимлари тўғрисида маълумотлар
3.6.	Ҳисоботда асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланиши акс этилганлигини текшириш	Ҳар чорак		Ҳисобот шакллари
Аудиторлик ташкилоти раҳбари				
Аудиторлик гуруҳи раҳбари				

2-жадвал. Асосий воситалар аудитининг дастури

Ушбу дастурга қўшимча равишда катта аудитор томонидан қуйидаги кўринишга эга бўлган асосий воситалар ҳисобининг текширувига оид саволнома ҳам тузилади. Бунинг натижасида аудит текширувини янада тартибли ўтказиш асосий воситаларнинг барча элементларини текшириш имкони юзага келади.

Т.р	Текширув учун саволлар	Аудит манбалари	Текширув натижалари	
			Ҳа	Йўқ
1	2	3	4	5
1.	Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар: а) хусусий б) ижарага олинган	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)		
2.	Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар: а) фойдаланишда; б) қайта тиклашда; в) захирада.	Титул рўйхати, лойиҳа-смета ҳужжатлари; инвентар варақалар (АВ-6 шакли), 0100, 0820-сонли ҳисоб-варақлар гуруҳига оид маълумотлар		
3.	Асосий воситаларни қабул қилиниши ва бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилишини текшириш: а) капитал қўйилмалар: - капитал қурилиш; - бошқа корхоналардан ёки шахслардан пулга сотиб олинган; б) бепул олинган; в) таъсисчиларнинг улуш сифатида Низом капиталига қўйилмалар; г) молиялаштирилган лизинг шартномаси бўйича олинган	Сотиб олиш-сотиш шартномалари, таъсис шартномаси, хатлар, баённомалар, 0100, 0300, 0820-сонли счетлар гуруҳи маълумотлари, капитал қурилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари, лизинг шартномаси ва бошқалар		
4.	Эскиришни ҳисоблаш бўйича амалдаги усул: а) тўғри чизиқли; б) ишлаб чиқариш; в) кумулятив; г) камайиб боровчи қолдиқ усули	Корхонанинг ҳисоб сиёсати		
5.	Эскириш меъёрлари асосий воситаларнинг турлари бўйича тўғри қўлланилганми?	Солиқ Кодекси, инвентар варақалари, асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш қайдномаси		
6.	Инвентар варақаларида эскириш ҳисобланишининг тугатиш санаси кўрсатилганми?	Инвентар варақалар		
7.	Эскириш ҳисобланиши ўз вақтида тўхтатиладими?	Инвентар варақалари, асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш қайдномаси		
8.	Асосий воситаларни қайта тиклаш бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилганми?	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, титул рўйхати, пудрат ишлари бўйича шартнома, носозликлар бўйича қайднома, наряд-буюртмалар		
9.	Ижарага олинган асосий воситалар ҳисоби тўғри юритиладими?	Ижара шартномаси, журнал-ордер маълумотлари		
10.	Асосий воситаларнинг чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этилганми?	Баённомалар, хатлар, таъсис шартномаси, сотиб олиш-сотиш шартномаси, ижара шартномаси, асосий		

	а) тугатилган; б) сотилган; в) Низом жамғармасига қўйилган; г) бепул берилган; д) молиялаштирилган лизинг шартномаси бўйича берилган;	воситалар тугатилиши тўғрисидаги далолатнома (АВ-3, АВ-4 шакллари)		
11.	Асосий воситалар инвентаризацияси ўз вақтида ва тўғри ўтказилганми?	Буйруқ, инвентаризация далолатномаси, солиштириш қайдномалари		
12.	Инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилганми?	Солиштириш қайдномаси, моддий жавобгар шахсларнинг тушунтириш хатлари ва мажбуриятлари, дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари		
13.	Корхонада лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар мавжудми? а) оператив ижара; б) уўққ муддатли ижара; в) лизинг	Лизинг ва ижара тўғрисида шартнома		
14.	Корхонада асосий воситалар қуйидаги саналар ҳолати бўйича қайта баҳоланганми? а) 1992.01.04.га; б) 1993.01.04.га; в) 1995.01.01.га; г) 2001.01.01.га ва ундан кейин ҳар йили	Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори, қайта баҳолаш бўйича ҳисоб-китоблар		
15.	Балансдаги маълумотлар таҳлилий ҳисоб маълумотларига мос келадими?	Инвентар варақалар ва моддий жавобгар шахслар бўйича инвентар рўйхатлари, моддий жавобгар шахслар ва умуман корхона бўйича инвентар рўйхатлар, Бош китоб бўйича асосий воситалар счетларининг қолдиғи, Бош китоб бўйича асосий воситалар счетларининг қолдиғи		
16.	Корхонада сотиб олинган асосий воситалар бўйича қопланмаган мажбуриятлар мавжудми?	Журнал-ордер маълумотлари; бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)		
17.	Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун ўз вақтида ва тўлиқ киритилганми?	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), мулк солиғини ҳисоблашга оид қайдномалар		
18.	Эскириш коэффициенти бу маълум бир санага асосий воситалар бўйича эскиришнинг уларнинг дастлабки қийматига нисбати	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)		
19.	Яроқлилиқ коэффициенти – бу асосий воситалар қолдиқ қийматининг бошланғич қийматига нисбати	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)		
20.	Асосий воситаларнинг рентабеллилиги – бу фойданинг асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати	Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл), асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-сонли шакл)		

3-жадвал. Асосий воситалар ҳисобининг текиширувига оид саволнома

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

- а) капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- в) устав сармоясига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;
- г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- д) айирбошлаш;
- е) товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- ж) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- и) қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- к) асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Асосий воситаларнинг келиб тушиши асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш (ички ҳаракати) далолатномаси (юк хати) билан (АВ-1 шакли), унга илова қилинган мазкур объектнинг техник ҳужжатлари билан биргаликда расмийлаштирилади.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш;
- е) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш;
- ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- и) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши.

Келиб тушган, ҳисобдан чиқарилган ва корхона ичида ҳаракатланган асосий воситаларнинг инвентар варақалари, тегишли ёзувлардан кейин

ҳисобот ойининг охиригача, таҳлаб қўйилмасдан алоҳида сақланади. Бу шунинг учун зарурки, мазкур варақалар асосида асосий воситаларнинг ҳар ойлик эскириши ҳисобланади, бундан ташқари, жорий ой якунлангандан кейин ушбу ойдаги ёзувлари бўлган варақа асосий воситалар табақалаштирилган турлари бўйича гуруҳлаштирилади, ҳар бир тури бўйича қабул қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши айланмалари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаларига ёзиб қўйилади.

Асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текшириш лозим, зеро нотўғри баҳолаш нафақат умумий ҳолатни нотўғри акс этиши, балки қуйдагиларга олиб келиши мумкин: эскириш нотўғри ҳисобланишига; солиқлар суммаси нотўғри ҳисобланишига; бухгалтерия (молиявий) ҳисоботда асосий воситалар қиймати нотўғри акс эттирилишига.

Асосий воситалар ҳаракати бўйича операцияларнинг аудиторлик текширувида қуйдагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

- асосий воситаларни Устав капиталига бадал сифатида ўтказишда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва топшириш вақтидаги келишув нархи кўрсатилган рўйхат мавжудлиги.

- асосий воситаларни сотиб олишда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва сотиб олиш нархи кўрсатилган сотиб олиш-сотиш далолатномаси расмийлаштирилганлиги;

- асосий воситалар тўпламда (масалан, офис учун мебел) сотиб олинганда инвентар варақага тўплам таркибига кирувчи активлар бўйича алоҳида ёзувлар киритилганлиги;

- асосий воситалар объектлари чет эл валютасига сотиб олинганда объектнинг дастлабки қиймати сотиб олиш пайтида амалдаги курс асосида сўмга қайта ҳисобланган қиймати бўйича ҳисобланганлиги;

- вақтинча ишлатишда бўлган капитал қурилиш объектлари, улар доимий ишлатишга қабул қилингунга қадар асосий воситалар таркибига киритилмаслиги ва тугатилмаган капитал қўйилмалар деб ҳисобга олинганлиги;

- жорий ижара шарти билан фойдаланишга қабул қилинган асосий воситалар объектлари 001-сонли балансдан ташқари ҳисобга олинганлиги;

- асосий воситаларни сотишда амалдаги бозор нархларини қўллаш;

- асосий воситалар бепул берилганда уларнинг қиймати берувчи томонидан ҚҚСга тортилиши, аввал асосий воситалар таркибига ҚҚС билан киритилган асосий воситалар бепул берилиши бундан истисно (ишлаб чиқариши бўлмаган жабҳалар учун);

- асосий воситалар ишга яроқсизлиги, уларни тиклаш учун таъмирлаш ишларини амалга ошириш мумкин эмаслиги ёки самара бермаслигини аниқлаш ҳамда ҳисобдан чиқариш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун корхонада раҳбар буйруғи билан доимий фаолият кўрсатувчи комиссия тузилганлиги;

- агар ускуналар янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтириш, қайта қуриш ва техникавий қайтадан жиҳозлаш билан боғлиқ бўлса, мазкур ускуналарнинг рўйхати фаолият кўрсатаётган корхонанинг кенгайтириш, қайта қуриш ва техникавий қайтадан жиҳозлаш режасига киритилганлиги;

- ускуналарни бўлакларга ажратиш ва демонтаж қилишдан ҳосил бўлган ва келажакда ишлатиш учун яроқли бўлган барча деталлар, қисмлар ва агрегатлар омборга кирим қилинганлиги ва ушбу операция бухгалтерия ҳисобида тегишли равишда қайд этилганлиги.

Асосий воситалар сақланишининг муҳим шартларидан бири – уларни сифатли инвентаризациядан ўтказиш. Шунинг учун, назорат вақтида инвентаризация тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилганлиги, унинг натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш лозим. Аудиторга бу аудиторлик таваккалчилигини камайтириш мақсадида корхонада ўтказилган инвентаризация натижалари тўғрилигига қай даражада ишонч ҳосил қилиш учун керак.

Инвентаризациядан олдин хусусий ва ижарага олинган асосий воситалар бўйича инвентар дафтарлари ва рўйхатлардаги ҳамда техник паспортлари ва бошқа техник ҳужжатларидаги ёзувлар тўлиқлиги текширилади.

Ҳисобда қайд этилмаган объектлар ёки ҳисоб регистрларида уларга мансуб бўлмаган тавсифлар келтирилган ҳолларда, кўрсатилмаган маълумотлар ва техникавий кўрсаткичлар комиссия томонидан тўлдирилади. Шу вақтнинг ўзида бундай объектларнинг бунёд этиш ёки сотиб олиш вақти, харажатларни молиялаштириш манбалари, уларни куриш зарурияти, молиявий интизомга риоя қилиниши учун масъул шахслар доираси аниқланади.

Аудитор томонидан қонунчиликка ҳилоф равишда бунёд этилган ёки сотиб олинган асосий воситаларни тасдиқловчи ҳужжатлар аниқланса, аудиторлик текшируви асосий воситалар қонунга ҳилоф равишда сотилганлиги ёки талон-тарож қилинганлиги тўғрисидаги хабарга мувофиқ ўтказилаётган бўлса, унда у тўсатдан тафтиш ўтказиш билан бошланади. Бунда аудитор инвентар варақалари ёки инвентар дафтари мавжудлиги ва ҳолати, синтетик ва таҳлилий ҳисоб маълумотлари бир бирига мувофиқлигини текширади. Инвентар варақаларининг маълумотлари инвентар рўйхати маълумотлари билан, инвентар рўйхатининг умумий суммаси 0100-сонли счетлар гуруҳи маълумотлари билан, улар ўз навбатида – баланс маълумотлари билан солиштирилади.

Камомад аниқланган ҳолда, аудитор моддий жавобгар шахслардан тушунтириш хати ва камомадлар қопланишини талаб қилади. Ушбу камомадлар аудиторлик текширувини ўтказиш вақтида қопланиши лозим.

Аудитор асосий воситалар сақланишини текширганда улар моддий жавобгар шахсларга бириктирилганлиги, ёзма равишда моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганлигини аниқлайди.

Ижарага олинган воситалар ҳар бир ижарага берувчи бўйича алоҳида инвентаризация рўйхатида акс эттирилади ва унда белгиланган

маълумотлардан ташқари қўшимча равишда ижара берувчининг номи ва ижара муддати кўрсатилади.

Асосий воситалар ҳаракатининг аудитини ўтказишда асосий воситалар қабул қилиниши ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда машина ва ускуналарнинг техник паспортларидаги ёзувлар текширилади. Биринчи навбатда асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузган комиссия аъзоларининг тегишли билимга эгалиги аниқланади. Аудиторнинг вазифаси кирим ҳужжатларида инвентар объектнинг барча реквизитлари ва техник тавсифлари (барпо этилган йили, ишлаб чиқарган завод рақами, қуввати) кайд этилганлиги, унинг тўлиқ жиҳозланганлиги ва ишга яроқли эканлигини текширишдан иборат. Корхонага аввал ишлатилган инвентар объектлари олинган ҳолда, аудитор уларнинг техник паспортларига асосланиб, ёки лозим бўлса, амалда кўриб чиқиб, эскириш тўғри ҳисобланганлигини текширади.

Аудит ўтказиш жараёнида, маънавий эскирган, батамом яроқсиз ҳолга келган ва келажақда ишлатиш учун яроқсиз бўлган ускуналар, транспорт воситалари, уларни тиклаш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилиши юзасидан назоратга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Асосий воситаларга оид объектлар асосли равишда ҳисобдан чиқарилганлиги текширилади. Бунда аудитор ишга яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларни тугатиш тартибига оид йўриқномаларга риоя қилинганлигини аниқлайди. Агар инвентар объекти эскириш муддатидан кам ишлатилган бўлса, ҳар бир муддатдан олдин чиқариш ҳолатлари алоҳида кўриб чиқилади. Бунда йўл қўйилган зиёнга масъул шахслар аниқланиши ва корхона раҳбарияти томонидан йўл қўйилган зиённи қоплаш бўйича ва келгуси фаолиятда бундай камчиликларга йўл қўйилмаслик учун қандай чоралар кўрилганлиги аниқланиши лозим.

Тўлиқ эскирмаган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш (тугатиш) натижасида вужудга келган зарарларни текшираётганда аудитор улар корхона хўжалик фаолияти натижаларига ўтказилишини аниқлайди.

Асосий воситалар ҳисоби ҳолатини текширганда тахлилий ҳисоб тўғри ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Асосий воситалар юзасидан назорат қилиш ва уларнинг ҳисоби билан чуқурроқ танишиш мақсадида аудитор корхона томонидан ҳисобот тузилган сана ҳолатига кўра барча мавжуд асосий воситаларнинг, уларни турлари бўйича ажратган ҳолда, муфассал рўйхатини тузиб беришни талаб қилади. Ушбу рўйхатга қиймати камайтирилган ёки қиймати қайтадан кўриб чиқилган асосий воситалар объектлари, бошқа корхоналардан ва ташкилотлардан ижарага олинган асосий воситалар тўғрисида маълумотлар илова қилиниши лозим. Жамғарилган эскириш ажратмалари ҳисобот тайёрланган сана ҳолатига ҳисобланади. Асосий воситалар рўйхати асосий воситалар мавжудлиги, уларнинг йил давомида ҳаракати тўғрисида кенг кўламда маълумотга эга бўлишига қарамасдан, аудитор асосий воситалар қабул қилиниши, чиқарилиши, ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқиши лозим. Ҳужжатлардаги маълумотлар ва улардаги бухгалтерия ёзувларига асосланиб асосий воситалар ҳаракати бўйича операциялар уларнинг ҳисоби бўйича счетларда тўғри акс этилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳисоби бўйича хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш кенгайтирилган муолажа ҳисобланади, чунки маълумотларнинг асосий қисми ички ва ташқи ҳужжатларда акс эттиради. Счёт-фактуралар, шартномалар, ижара тўғрисидаги келишувлар, суғурта полислари, белгилар, солиқ идораларининг далолатномалари ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш аудиторга аудит ўтказилаётган объект тўғрисида ишончли маълумот олиш имкониятини яратади.

Асосий воситалар текшируви вақтида қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- асосий воситалардан самарадорлик билан фойдаланилганлиги (ушбу кўрсаткич бир қатор йиллар бўйича ўрганилади); маблағлар қайтимини кўтаришга қаратилган тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги (сменалик коэффицентини кўтариш, иш тўхтаб қолишларни камайтириш ва бошқалар). Асосий воситалардан (ижарага олинганлар ва хусусий) қандай фойдаланилади ва улар ишлатилишини ҳисобга олиш қандай ташкил этилган, уларнинг иш билан таъминланганлиги, бекор туриб қолишлар ҳоллари мавжудми, транспорт воситаларидан шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиш; иш билан таъминланмаслик ва бекор туриб қолишлар сабаблари;

- ишлатилмайдиган асбоб-ускуналар мавжудлиги, уларнинг сифати, сақлаш шароитлари; ортиқча ва керакли бўлмаган мол-мулкни сотиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар (бундай мол-мулк ҳосил бўлиш сабаблари аниқланади);

- асосий воситаларнинг амалда мавжудлиги ва ҳаракати бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мувофиқлиги; балансда ҳисобда бўлган асосий воситалар ҳақиқийлиги ҳисоб маълумотлари кўрсаткичлари корхонада ўтказилган охирги инвентаризация маълумотлари билан солиштириш йўли билан аниқланади; бундан ташқари, аудитор алоҳида ишлаб чиқариш бўлимларида асосий воситаларнинг назоратли инвентаризацияини ўтказилади;

- асосий воситаларга оид бухгалтерия ҳисоби стандартларида кўзда тутилган асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибига риоя қилиниши;

- корхонага сотиб олинган асосий воситалар моддий жавобгар шахслар томонидан тегишли ҳужжатларга асосан ўз вақтида расмийлаштирилганлиги ва қабул қилинганлиги; улар бухгалтерия ҳисобида тўлиқ кирим қилинганлиги;

- асосий воситаларнинг ишга туширилиши ўз вақтида расмийлаштирилганлиги;

- яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларни тугатилишига оид амалдаги тартибга риоя қилиниши, уларни ҳисобдан чиқарилиши далолатномалар билан тўғри расмийлаштирилганлиги, ушбу далолатномада кўрсатилган маълумотлар ҳисоб маълумотларига мос келиши; асосий воситалар тугатилишидан ҳосил бўлган моддий бойликлар (эҳтиёт қисмлар, материаллар, иккиламчи металл чиқиндилари, иккиламчи хом ашё) тўлиқ кириш қилинганлиги;

- асосий воситалардан фойдаланишда хўжасизлик ва хатоликларга йўл қўйилиши; ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб олинган хўжалик асбоб-ускуналари ва мол-мулк аудит қилинаётган корхона ходимларига шахсий фойдаланиш учун берилган ҳоллари мавжудлиги; бундай ҳоллар мавжуд бўлса, мол-мулкдан фойдаланганлиги учун ушбу шахслардан ҳақ олинганлиги;

- бинолар ва иншоотларни таъмирлаш фондига ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланганлиги; уларни капитал таъмирлаш кўринишида, капитал қўйилмалар ҳисобига бажариладиган янги қурилиш ёки қайта қуриш амалга оширилганлиги;

- асосий воситалар бўйича белгиланган ягона эскириш меъёрларини қўллаш тартибига риоя қилинганлиги.

Текшириш вақтида асосий воситалар ўз вақтида инвентаризациядан ўтказилганлиги, инвентаризация натижалари тўғри расмийлаштирилганлиги, унинг натижаларини кўриб чиқиш муддатларига риоя қилиниши текширилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни аудит текширувидан ўтказаетганда аудиторнинг вазифаси асосий воситаларга нисбатан эскиришни ҳисоблаш усуллари тўғри қўлланилганини текшириш ва тасдиқланган меъёрларига риоя қилинаётганини назорат қилишдан иборат. Амортизация ажратмаларининг меъёрлари ҳар бир инвентар объектнинг дастлабки қийматига нисбатан белгиланган фоиз ҳисобида аниқланади.

Уларнинг бир ойлик меъёри бир йиллик меъёرنинг 1/12 миқдорида белгиланади.

Эскириш ҳисобланишини текширганда аудитор фойдаланиш муддатларини ўтаб бўлган ва эскириш тўлиқ ҳисобланиб бўлган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскиришни ҳам текширади.

Аудитор танлаш усулида ҳисобланган эскириш бўйича қайдномаларни текширади. Бунинг учун у Бош китобдаги асосий воситалар эскириши бўйича счетлардан ҳисобланган эскириш бўйича энг кўп фарқлар бўлган ойни танлаб олади. Аудитор бунинг асосланганлигини текширади. Агар эскириш нотўғри ҳисобланганлиги ҳоллари мавжуд бўлса, айбдор шахслар ва сабаблари, шунингдек, ушбу омиллар харажатларга ва фойдага таъсири аниқланади.

Агар корхонада тезлаштирилган эскириш қўлланилса, аудитор у тўғри ҳисобланганлиги ва қўлланилганлигини текширади, чунки тезлаштирилган эскириш асосий воситаларнинг фақат фаол қисми учун қўлланилиши мумкин, бунда меъёр икки баробардан юқори кўтарилиши мумкин эмас.

Аудит ўтказиш жараёнида эскиришни ҳисоблашда асосий воситаларнинг барча объектлари ҳисобга олинганлиги, асосий воситалар ҳаракати ҳисобга олинган ҳолда эскириш ҳисобланганлиги, эскириш меъёрлари тўғри қўлланилганлиги текширилади.

Эскириш харажатлар счетлари ёки бошқа манбалар бўйича тўғри ўтказилганлигини текшириш учун асосий воситалар ишлаб чиқариш турларга мансуб ёки мансуб эмаслигини аниқлаш лозим. Эскириш ҳисобланишини текшираётганда аудитор асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланишига, масалан, ижтимоий-маданий объектлар бўйича эскириш маҳсулот таннархига киритилаётганлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Аудитор томонидан хатолар ва камчиликлар аниқланганда, улар миждозга маълумот учун тақдим этилиши, уларни тўғрилаш, регистрлар ва ҳисобот шаклларига тегишли тузатишлар киритиш бўйича тавсиялар берилиши лозим.

Чиқиб кетадиган асосий воситалар объектининг қиймати баланс ҳисобидан чиқарилади.

Аудитор асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилишини текширади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш;
- е) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш;
- ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- и) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши.

Аудитор асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланишини текширади.

Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситалар объектларини қўшимча баҳолаш суммаси, мазкур асосий воситалар объектини илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошиб кетиши “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счет бўйича заҳира сармоясини бир йўла камайтириш билан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Бунда қуйидаги амаллар бажарилиши мумкин:

- ҳисобот даври давомида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар объектларининг ҳисобдан чиқарилаётган кундаги бошланғич қиймати ва жапмғарилган эскириш суммаси кўрсатилган рўйхатини олиш; ҳисобдан чиқарилиш сабаби; сотиш баҳоси; ҳисобдан чиқаришнинг молиявий

натижаси. Олинган ахборотлар маълумотларини 0110-0190 счётлар кредити, 0210-0290 счётлар дебети бўйича маълумотлар, 9210, 9310 ва 9430 счётлар маълумотлари билан солиштириш;

- асосий воситани ҳисобдан чиқаришга доир муомалани амалга ошириш учун тегишли рухсатнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳужжатлаштирилишини текшириш;

- ҳисобдан чиқаришга доир ҳар бир муомала бўйича асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва молиявий натижасини аниқлашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва алмаштирилиши билан боғлиқ фойда ва зарарлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тўғри акс эттирилганини текшириш ҳам аудиторнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Аудитор асосий воситалар ҳисобдан чиқарилишини текшириш чоғида ҳисобдан чиқарилиш сабабини, муомаланинг мақсадга мувофиқлигини ва қонунийлигини аниқлайди. Бунда асосий воситаларни сотиш учун тузилган шартномалар, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, асосий воситаларни қабул қилиш - топшириш далолатномаси, аналитик ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.

Аудитор асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда асос бўлган АВ-1 ва АВ-3 шакллардаги далолатномалар маълумотларини текшириши лозим. Бу далолатномаларда ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси акс эттирилади. Аудитор ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг инвентар карточкалари картотекадан олиниб, далолатномага илова қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунингдек, асосий воситаларнинг турган ўрин бўйича инвентар рўйхатида ҳам тегишлича қайд қилинганлиги текширилади.

Амалдаги счётлар режаси ва уни қўллаш йўриқномасига мувофиқ, ҳисобдан чиқарилиш сабабидан қатъий назар (бепул бериш, устав капиталига ҳисса сифатида бериш, молияланадиган лизинг шартномаси бўйича бериш, табиий офатлар ва фавқулодда ҳолатлар, ўғриланиш ва камомад) асосий

воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича барча муомалалар 9210 «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши» счётида акс эттирилади.

Аудитор асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришга доир муомалаларни ҳисобга олишда 9210 счётнинг қўлланилаётганлигини, бу счётнинг дебети ва кредити бўйича ёзувларнинг тўғри акс этирилганлигини ҳамда асосий воситалар сотилиши ва бошқача тарзда ҳисобдан чиқарилишининг молиявий натижалари тўғри аниқланганлигини текшириш зарур.

Асосий воситалар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли счётлари кредитидан 9210 - «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши» дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар чиқиб кетганида улар бўйича жамғарилган эскириш суммаси 0210-0290-счётлари дебетидан 9210-" Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" счёти кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича резерв капиталидаги сумма ҳам ҳисобдан чиқарилиши лозим. Ушбу сумма ҳисобдан чиқарилганда 8510 – “мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счёти дебетидан 9210 - «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши» счётининг кредитида акс эттирилади.

Асосий воситаларни четга сотишдан тушган тушум 9210 - «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши» счёти кредити бўйича 4890 "Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" ва 0990-"Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари" счётилари дебети билан корреспонденцияда акс эттирилади. Тўлиқ амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг реализация қилинишидан кўрилган фойда (зарар) реализация қилинадиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ҚҚС ҳамда сотиш харажатлари ва тушумларига тўғриланган, ойнинг I-санасига ҳисобланган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

2.2. Корхона ўз маблағлари манбалари аудити.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун”га мувофиқ корхонанинг ўз маблағларининг манбалари: устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали – таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра белгиланади ва ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинadиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Захира капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция захираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин (14-модда, хусусий капитални ҳисобга олиш).

Устав, қўшилган ва захира капиталларини шаклланиши ва ҳаракати, шунингдек захираларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш аудитини ўтказишда аудитор қуйидаги асосий меъёрий ҳужжатларга амал қилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1996 йил 29 августда 257-1-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган (ўзгаришлар билан).

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 1997 йил 24 апрелда 391-6-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган (ўзгаришлар билан).

3. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган (ўзгаришлар билан).

4. “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган.

5. “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган (ўзгаришлар билан).

6. “Дехқон хўжаликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган (ўзгаришлар билан).

7. “Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2001 йил 12 майда қабул қилинган (ўзгаришлар билан).

8. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 30 августда қабул қилинган.

9. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил 26 майда қабул қилинган.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари” (ўзгаришлар билан).

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан 2002 йил 17 апрелда 51 ва 002-40-сонли Қарори билан қабул қилинган “Амалдаги қонунчилик билан белгиланган муддатларда Устав капиталларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналардан солиқларни ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Устав”.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Мулк қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 25 мартда 47, 10-1-48, 2002-33-сонли Қарори билан қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат тасаруффидаги (давлат улуши) акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш ва мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Устав”.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси”.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/06-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси”.

15. 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган.

16. 19-сонли “Инвентаризасияни ташкил этиш ва ўтказиш” Ўзбекистон Республикаси БҲМС. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январда 15, 2002-12-сон билан тасдиқланган “Ҳуқуқий шахслар даромад (фойда) лари бўйича солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Устав”.

18. Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бошқа доимий ҳужжатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фаолиятини амалга ошириш мақсадида устав капитали, захира капитали ва қўшилган капитал яратилади. Тақсимланмаган фойда эса хўжалик юритувчи субъект фаолияти натижасида вужудга келади. Уларни текширишдан мақсад хўжалик юритувчи субъектнинг рўйхатга олинган санасидан бошлаб уни тугатиш ёки қайта тузишгача бўлган давр мобайнида фаолиятнинг қонунийлигини тасдиқлаш, бақарор фаолият олиб бориши, рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни таъминлашдан иборат. Ушбу тарифдан келиб чиққан ҳолда аудитор қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

1. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини олиб бориши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни қанчалик ўз вақтида ва тўлиқ расмийлаштирган:

- а) фаолиятни бошлаш;
- б) фаолиятни давом эттириш;
- в) фаолиятни тугатиш.

2. Таъсис этувчилар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинганми:

- а) устав капиталини шакллантириш бўйича;
- б) оралиқ ҳисоб-китоблар бўйича;
- в) якуний ҳисоб-китоблар бўйича.

3. Солиқ бўйича барча қонунчиликка риоя қилинганми.

Текширувнинг қуйидаги вазифалари мавжуд:

1) Хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тасдиқлаш;

2) Хусусий капитал тўғри шакллантирилганлигини тасдиқлаш;

3) Таъсис этувчилар билан оралиқ ва якуний ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш;

4) Устав капитал тўлиқ ва ўз вақтида шакллантирилганлигини текшириш;

5) Таъсис этувчилар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоблар қилинганлигини текшириш;

6) Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқлаш:

7) устав капиталнинг миқдори ва тузилиши;

8) устав капиталга улушлари бўйича таъсис этувчиларнинг қарзлари;

9) акционерлардан сотиб олинган хусусий акцияларнинг мавжудлиги; таъсис этувчиларга тўланадиган дивидендлар бўйича қарзлари;

10) Устав капиталига улушлари бўйича киритилаётган моддий қийматликларнинг баҳоланиши, уларнинг тўғрилиги ва ҳисоб-китобларнинг асосланганлигини текшириш.

Устав, қўшилган, захира капитали ва захираларни шаклланиши ва ҳаракатининг аудиторлик текширувини ўтказиш учун томонидан қуйидаги

асосий ҳужжатлар ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади ва улардан фойдаланилади:

- иқтисодий субъект устави;
- таъсис шартномаси;
- таъсисчилар мажлисларининг баённомалари;
- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- корхоналарни хусусийлаштириш ва акционерлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар;
- статистика, давлат солиқ идоралари, нафақа жамғармаси, бандлик жамғармаси, ижтимоий суғурта жамғармаси идораларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- банкнинг хизмат кўрсатиши тўғрисидаги шартномаси;
- таъсис ҳужжатларига киритилган ва рўйхатга олинган ўзгаришлар;
- эмиссия проспекти;
- акциядорлик жамиятлари учун акциядорларнинг реестри;
- акциядорларнинг йиллик мажлиси баённомаларидан кўчирма;
- акциядорлар, таъсисчиларнинг мажлис баённомаларидан кўчирма;
- директорлар (назорат) Кенгаши мажлисларининг қарорларидан кўчирма;
- ижро дирекциясининг буйруқлари ва фармойишлари;
- маълум бир фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатномалар;
- таъсисчилар ва акциядорлар билан ёзишувлар;
- ички уставлар;
- устав капиталига таъсисчилар томонидан ўз улушларини пул, натура, номоддий шаклда ёки қимматли қоғозлар кўринишида киритилганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- устав капиталига натура ва номоддий кўринишида киритиладиган улушларнинг баҳолаш услуги;
- хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтганидан кейинги бошланғич фаолият даври бўйича ҳисобот;
- йиллик ҳисобот;
- хўжалик юритувчи субъектнинг тугалиши ёки қайта тузиш санасидаги ҳисоботи.

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ аудитор Устав, қўшилган ва заҳира капиталларини шаклланиши ва ҳаракати ҳамда заҳиралар ташкил этилиши ва улардан фойдаланиш бўйича аудиторлик текширувининг ўтказиш режасини тузиши ва аудит дастурини тайёрлаши лозим. 4-жадвалда аудитнинг намунавий режаси келтирилган.

Текширилаётган корхона _____

Аудит даври _____

Киши-соат миқдори _____

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари _____

Аудиторлик гуруҳининг таркиби _____

Режалаштирилган аудиторлик таваккалчилиги _____

Режалиштирилган аудиторлик аҳамиятлилиги _____

Т.р	Режалаштирилган ишлар тури	Ўтказиш даври	Ижрочи	Изоҳ
1	2	3	4	5
1	Таъсис ҳужжатларининг аудити		Аудитор	Иқтисодий субъектнинг умумий аудит ўтказиш режасига мувофиқ
2	Устав капиталини текшириш		Аудитор	
3	Қўшилган капитални текшириш.		Аудитор	
4	Резерв капиталини текшириш.		Аудитор	
5	Сотиб олинган хусусий акцияларни текшириш.		Аудитор	
6	Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) шаклланиши ва ишлатилишини текшириш.		Аудитор	
7	Мақсадли тушумлар, келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари ҳисобини текшириш.		Аудитор	

4-жадвал. Таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар билан ҳисоб-китоб бўйича аудитнинг умумий режаси

5-жадвалда таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг намунавий дастури келтирилган.

№.	Аудиторлик муолажалар рўйхати	Ўтказиш даври	Ижрочи	Аудиторнинг ҳужжатлари ишчи	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	Таъсис ҳужжатларининг аудити				Иқтисодий субъектнинг умумий аудит режасига мувофиқ
1.1	Таъсис ҳужжатларини текшириш			Таъсис ҳужжатларининг нусхалари	
1.2	Фаолиятнинг маълум бир турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни текшириш			Рухсатномалар, лицензиялар нусхаси	
1.3	Устав капитали, таъсис ҳужжатларига мувофиқ тақсимланган улушлар миқдорлари акс этилишини текшириб чиқиш			Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс нусхалари	
1.4	Хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатларини, акциядорлар, мулкдорлар, раҳбарият қарорларини бухгалтерия ҳисобининг фаолият турларини акс этувчи маълумотлар билан солиштириш			Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия регистрларининг нусхалари	
1.5	Устав капиталига таъсисчилар томонидан улуш сифатида киритилган мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш			Сотиб-олиш ва сотиш шартномалари, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, тўлов ва нотариал ҳужжатлари	
1.6	Таъсис ҳужжат-ларидаги ўзгаришлар рўйхатга олинганлигини текшириш			Рўйхатга олинган ва қайтадан рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларининг нусхалари	
2	Устав капитали шаклланишининг аудити				
2.1	Устав капиталига қўйилмалар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этилганлигини текшириш			Буйруқлар, қабул қилиш далолатномалари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари	
2.2	Таъсисчилар ва муддатлар бўйича устав капитали шаклланишини текшириш			Таъсис ҳужжатлари, хўжалик операциялар дафтарларининг нусхалари	
2.3	Устав капиталига қўйилмалар бўйича қарзлар, акциядорлардан сотиб олинган хусусий акциялар миқдорларини текшириш			Бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс	

2.4	Устав капиталига улуш сифатида киритилган моддий бойликлар, кўчмас мулк тўғрисида ҳисоботлар, ҳуқуқлар ва бошқалар тўғри баҳоланганлигини текшириш			Баҳолаш усули, таъсисчилар мажлисларининг баённомалари	
2.5	Устав капиталига улуш сифатида киритилган моддий бойликлар, ўзгармас мулк тўғрисида ҳисоботлар, ҳуқуқлар ва бошқалар бухгалтерия ҳисобида расмийлаштирилишини текшириш			Буйруқлар, далолатномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, ишчи режа	
2.6	Устав капитали ошганлиги бухгалтерия ҳисобида расмийлаштирилишини текшириш			Буйруқлар, далолатномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баённомалар, капитал ўзгарганлиги тўғрисида ҳисобот	
2.7	Устав капитали камайганлиги бухгалтерия ҳисобида расмийлаштирилишини текшириш			Буйруқлар, далолатномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баённомалар, капитал ўзгарганлиги тўғрисида ҳисобот	
3	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар аудити				
3.1	“Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари” счётида таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар акс этилишини текшириш			Маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс	
3.2	“Таъсисчилар бўйича қарзлар счётлари” счётида таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар акс этирилишини текшириш			Маълумотномалар, ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисоби регистрлари	
3.3	Таъсисчилар олган даромадлар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлигини текшириш			Ҳисоб-китоблар, маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, сметалар	
3.4	Дивидендлар ҳисоби ташкил этилганлиги ва тўланишини текшириш			Директорлар Кенгаши қарорлари, акциядорлар йиллик мажлисининг қарори	
3.5	Айланма ва айланишдан ташқари активлар таъсисчилар улуши сифатида устав капиталига амалда киритилганлигини текшириш			Буйруқлар, далолатномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс	
3.6	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб қилиш натижасида айланма ва айланишдан ташқари активлар амалда чиқарилишини текшириш			Баённомалар, буйруқлар, ҳисоб-китоблар, далолатномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, баланс	
3.7	Таъсисчилар таркибидан чиқарилишида ҳисоб-китобларни текшириш			Баённомалар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, далолатномалар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар	

4	Дивидендларга оид солиқларни ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва ўтказилишининг аудити				
4.1	Дивидендлар бўйича солиқлар тўғри ҳисобланганлигини текшириш			Далолатномалар, ҳисоб-китоблар, маълумотлар	
4.2.	Бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини текшириш			Далолатномалар, ҳисоб-китоблар, маълумотлар	

5-жадвал. Таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг намунавий дастури

Таъсисчилар томонидан тасдиқланган ва амалдаги қонунчиликка асосан рўйхатга олинган Устав ва таъсис шартномаси корхонанинг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Аудит ўтказиш вақтида аудитор ушбу иқтисодий субъект амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мақоми ва фаолият кўрсатиш ҳуқуқини текшириши лозим. Бунинг учун қуйидаги асосий ҳужжатлардан фойдаланилади: мижознинг Устави ва корхонанинг таъсис шартномаси.

Аудит ўтказиш даврида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, шу жумладан Устав ва таъсис ҳужжатларининг янги таҳрири мавжудлиги текширилиши лозим.

Уставда резерв ва бошқа фондларни ташкил этиш ҳамда фойдани тақсимлаш тартиби, қайта ташкил этиш, тугатиш, мол-мулкларни тақсимлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартиби ва бошқалар кўзда тутилганлиги аниқланади.

Аудит ўтказиш вақтида, корхона қачон ва қаерда рўйхатга олинганлиги, ушбу корхонанинг ҳисоб-китоб ва бошқа счетлари қайси банкда очилганлиги, таъсисчилар ким ва Устав капиталида уларнинг улуши, ҳар бир таъсисчининг Устав капиталидаги улуши ва умуман Устав капитали қонунчиликка оид ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги аниқланади.

Текшириш жараёнида, шунингдек, кичик тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектларининг патентлари, акциядорлик жамиятлари учун эмиссия проспекти ва акциядорларнинг реестри, директорлар Кенгаши,

акциядорларнинг йиллик мажлиси ва таъсисчиларнинг жорий қарорлари баённомаларидан кўчирмалар, ижро дирекциясининг буйруқлари ва фармойишлари, таъсисчилар ёки/ва акциядорлар билан ёзишувлар, хўжалик юритувчи субъектнинг ички низоми ва тартибга солиш каби бошқа ҳужжатлари ўрганиб чиқилади.

Текширув вақтида корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тизими ва унинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқлиги, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий бошқариш тизими ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда барча босқичлардаги раҳбарларнинг ваколатлари, иқтисодий субъект Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда мустақил балансга эга бўлган филиаллар ва бошқа бўлинмалар ташкил қилиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг қайси турлари билан шуғулланиши ва унинг рўйхатга олинган Уставида кўзда тутилган фаолиятлардан четга чиқишлар мавжудлиги ўрганиб чиқилади.

Аудитор корхона таъсисчилари таркибида содир этилган ўзгаришларни ҳам эътибордан четда қолдириши мумкин эмас.

Устав капитали шаклланишининг текшируви вақтида Устав капитали ўз вақтида, яъни унинг белгиланган муддатларда шаклланганлиги, эълон қилинган кирим бадали тўлиқ киритилганлиги ва шаклланиш манбалари аниқланади.

Устав капиталининг текширувида аудитор унинг суммаси ҳақиқатда тўлиқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. У бухгалтерия балансида ва 5-сонли "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" да акс этилади.

Аудитор хўжалик юритувчи субъекти давлат рўйхатига олинган санаси билан ушбу корхонанинг бухгалтериясида эълон қилинган Устав капитали миқдори суммасига "Устав капиталга улушлари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари" счетининг дебети ва "Устав капитали"ни счетининг кредитида акс эттирилишини назарда тутиши лозим.

Аудитор таъсисчилар киритган бадалларга оид уларнинг ҳар бири бўйича юритиладиган варақалар ёки қайдномаларда акс эттирилган бадаллар бўйича қарзлар, тўланган муддатлари, киритилган активлар суммаси ва қарзларни қопланиш бўйича таҳлилий ҳисобни текширади.

Аудитор нисбатан янги ҳисобланган маблағлар - таъсисчилар томонидан киритилган номоддий активлар рўйхатдан ўтказилиши, техникавий томонларига алоҳида эътиборни қаратиши лозим.

Устав капиталини текшириш вақтида бухгалтерия ҳисобида тўғри расмийлаштирилганлиги ва 13-сонли журнал-ордерда Устав капитали ҳисоби бўйича счетда қонуний ва тўғри акс этилганлиги, улар амалдаги қонунчиликка мувофиқ эканлиги аниқланиши лозим.

Таъсисчилар сони ва уларнинг корхона Устав капиталидаги улушларини текшириш вақтида, аудитор тегишли юридик шахс тури учун таъсисчиларнинг энг кўп сони ва ҳар бир таъсисчининг Устав капиталига киритадиган энг кўп улуши ҳамда Устав капиталининг энг кам миқдори амалдаги қонунчилик билан белгиланишини унутмаслиги керак.

Устав капитали таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдордан кўп бўлмаслиги кераклигини қайд этиш лозим. Шу боис, аудит ўтказишнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб Устав капитали миқдори барқарорлик тамойилига, таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорга мувофиқлигини текшириш ҳисобланади. Лекин, амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида қайд этилган ҳолатларда, унинг ошириш ёки камайтириш мумкин. Устав капиталининг тақсимланмаган фойда ҳисобига кўпайиши тақсимланмаган фойда ҳисоби счетининг дебети ва Устав капитали ҳисоби счетларининг кредити бўйича акс эттирилади, белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтгандан кейин.

Акциядорлик жамиятларида Устав капитали янги акцияларни чиқариш (эмиссия) ёки уларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига кўпайтириш мумкин, камайтириш эса - акцияларни акциядорлардан қисман сотиб олиш ёки акцияларнинг номинал қиймати камайтириш ёки уларни умумий

миқдори қисқариш ҳисобига вужудга келади. Шу боис, текширишни амалга ошираётганда, аудитор корхонанинг Устав капиталида ва таъсис ҳужжатларида содир этилган ўзгаришлар асосли эканлигини текшириши лозим.

Ўтказилган текширув сифатли бўлишининг асосий омили бўлиб, аудитор иштирокида кириш бадали сифатида киритилган мол-мулк ва номоддий активларнинг инвентаризациясини амалга ошириш ҳисобланади.

8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Устав капиталини шакллантириш учун берилган валюта ва валюта қийматликлари, устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликларини ва бошқа мулкларни баҳолаш рўйхатдан ўтказиш санасидаги таъсис ҳужжатларида белгиланган баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Бунда вужудга келган курс фарқлари 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий курс фарқлари 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счётининг кредитида, салбий курс фарқлари эса мазкур счётнинг дебитида акс эттирилади. Курс фарқларини бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган, устав капиталидаги таъсисчиларнинг улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

Корхона таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантириладиган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар, шунингдек мақсадли фойдаланиш шарти билан тақдим этиланадиган солиқ имтиёзлари суммаси кўрсатилади. Резерв капитали ҳисобини олиб бориш учун қуйидаги счётлар тайинланган:

8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;

8520 “Резерв капитали”;

8530 “Текинга олинган мулк”.

Аудиторлик текшируви жараёнида ушбу счетларни синчковлик билан текшириши лозим. Хўжалик юритувчи субъектнинг мулк солиғини ҳисоблаш базасига ўз таъсири ўтказди.

8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётида мулкларни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган ўзгаришлар ҳисобга олинади. Мулкларни қайта баҳолаш натижасида резерв капиталининг шаклланиши ва тўлдирилиши 8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётининг кредитида қайта баҳолаш натижасида қиймати ошган мулкларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Шунинг учун, корхона ва ташкилотлар 8510 "Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счётида ҳисобга олинган қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)ни, яъни олдинги қиймат ошиши суммасининг олдинги қиймат пасайиши суммасидан ошган суммасини икки қисмга: балансда ҳисобда бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га ва 5-БХМСнинг янги таҳрири кучга киргунига қадар чиқиб кетган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи)га бўлиши лозим.

Жамиятнинг резерв фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Резерв фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Резерв капиталининг шаклланиши 8520 “Резерв капитали” счётининг кредитида 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Аудиторлик текширув жараёнида хўжалик юритувчи субъектда текинга олинган мулклар қабул қилганлигини текшириш лозим. Текинга қабул

килинган мулк ҳисобда эксперт йўли билан ёки топшириладиган ҳужжатлар асосида аниқланган қиймат бўйича акс эттирилиши лозим.

Текинга олинган мулк хўжалик юритувчи субъектнинг солиққа тортиладиган базасига таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда текшириши лозим. Ушбу мақсадда корхона қайси солиққа тортиш тизимида фаолиятини олиб бораётганини аниқланиши лозим.

Тақсимланмаган фойда - фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммаси бир-биридан фарқ қилади.

Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётнинг дебетига 9910 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Тақсимланмаган фойда қуйидагиларга ишлатилиши мумкин:

- устав капиталини кўпайтиришга;
- резерв капиталини яратиш ва тўлдиришга;
- акционерларга дивиденд тўлашга;
- зарарларни қоплашга;
- мулкдорларнинг қарори бўйича бошқа мақсадларга.

Тақсимланмаган фойда суммасидан қонунчиликда белгиланган тартибда резерв капиталини шакллантириш учун фойдаланиш мумкин, бунда 8710 “Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)” счёти дебетланади ва 8520 “Резерв капитали” счёти кредитланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали тўлиқ шаклланган тақдирда дивиденд эълон қилиши мумкин. Амалдаги қонунчилик биноан чекловлар бўлса, у ҳолда дивиденд тўланмайди.

Тақсимланмаган фойда суммаси дивидендлар тўлаш учун йўналтирилганда 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг дебетиди ва 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счётининг кредитиди акс эттирилади.

Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан кейин қолган сумма 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётидан 8720 “Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)лар” счётига ўтказилади.

Мақсадли молиялаштириш маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, шунингдек аъзолик бадаллари ва мақсадли йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа қайтарилмайдиган маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши, келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари тўғрисидаги ахборотларни аудитор томонидан текширилиши лозим.

Ушбу мақсадли тушумларни хўжалик юритувчи субъектнинг хусусий капитали сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;
- б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;
- в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

Резервларни ҳисоблаш муомалалари 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счётининг кредитиди ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетиди акс эттирилади. Бундай резервларга мисол бўлиб, ишчиларга меҳнат таътили тўлаш учун резерв, асосий воситаларнинг капитал ремонт учун резерв, кафолатлар бўйича резерв ва бошқалар мисол бўлиши мумкин. Резервга ажратмаларнинг миқдори хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, аудиторнинг ҳисоб сиёсатини синчковлик билан ўрганиб чиқиши керак.

Резерв қилинган суммалар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ва тўловлар суммаси резервлар миқдорини камайтириб 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счётининг дебетиди

харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

У ёки бу резервнинг ташкил қилиниши ва маблағларнинг фойдаланиши вақти-вақти билан (йилнинг охирида албатта) меъёр, ҳисоблар ва бошқаларга асосан текширилиб турилади, зарурият туғилганда тўғриланади.

8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир резерв турлари бўйича алоҳида юритилади.

Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби ва Устав капиталиш шакллантиришни ташкил этишда турли хил камчиликлар, хатоликлар, нотўғри ёзувлар содир этилади. Улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- "Устав капитали ҳисоби счётлари" бўйича кредит қолдиғи таъсис ҳужжатлари билан эълон қилинганга номувофиқлиги;
- Устав капитали ҳисобига киритилган моддий бойликлар, номоддий активлар қийматини ошириб кўрсатиш ҳисобига Устав капиталини асоссиз кўпайтириш;
- Устав капиталига улушларни таъсисчилар томонидан киритмаслик ёки тўлиқ киритмаслик;
- акциядорлар реестрига ўз вақтида тегишли ўзгартиришларни киритмаслик;
- таъсисчилар чиқиб кетиши ва янгиларни қабул қилишни ўз вақтида расмийлаштирмаслик;
- имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўламаслик;
- акциядорлик жамиятлари учун катта келишувларни нотўғри расмийлаштиришлик;
- Устав капиталига таъсисчилар томонидан киритилган улушларини нотўғри расмийлаштиришлик;
- таъсисчиларга Устав капиталидан ўз улушларини қайтарилишини нотўғри расмийлаштиришлик;

- амалга оширилган молия-хўжалик операциялар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларнинг йўқлиги;
- тўлиқ расмийлаштирилмаган ва муддати ўтган ҳужжатлар мавжудлиги;
- ҳужжатлардаги ёзувларни тегишли асосларсиз тўғрилаш;
- ҳужжатларнинг асл нусхалар ёки амалдаги қонунчиликка асосида тасдиқланган нусхаларнинг йўқлиги;
- сохта ҳужжатлар ва операциялар;
- амалга оширилган операцияларни акс эттирилмагани;
- фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш;
- дивидендлар бўйича солиқларни нотўғри ҳисоблаш;
- меъёрий ҳужжатларга риоя қилмаслик ва ҳ.к.

III боб. Корхона молиявий ҳолати таҳлили.

3.1. Корхона ПТК молиявий ҳолатини аудит қилишда иқтисодий таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш.

Таҳлил методига кўра хўжалик жараёнларини ўрганишда диалектик ёндошишлик, яъни ҳар бир жараён, иқтисодий ҳодиса мавжуд ва ривожланишда деб қаралади.

Таҳлил усуллари кўллаш ўрганилаётган жараёнларнинг бири-бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатаётган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Таҳлил усуллари қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1). Оддий – анъанавий усуллар.
- 2). Иқтисодий – математик усул.

Оддий – анъанавий усуллар гуруҳига Молиявий ва бошқарув таҳлили пайдо бўлгандан буён анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келаётган усуллар киритилади. Уларнинг таркибига:

- мулоқот ва нисбий фарқларни аниқлаш;
- таққослаш;

- гуруҳлаштириш;
- балансли боғланиш;
- занжирли боғланиш усули, индекс ва хоказо усулларни

киритишимиз мумкин.

1. Таққослаш усули. Барча кўрсаткичларни даврий ва қиёсий ўрганишда (мутлоқ ва нисбий ифодада) қўлланилади.

2. Гуруҳлаш усули. Бирлик кўрсаткичларнинг гуруҳлаш ходиса ва жараёнларни энг муҳим белгилари бўйича бир хил гуруҳ ва гуруҳларга ажратиб, уларни ўзаро боғланишда ўрганиш.

3. Балансли боғланиш усули. Товар, валюта, мулк, мажбурият ва капитал таҳлили.

4. Мутлоқ фарқлар усули. Икки ёки ундан ортиқ ўзаро алоқадорлик ва боғланишда бўлган омилларнинг якуний ифодага таъсирини ўрганишда қўллаш.

5. Нисбий фарқлар усули. Ўзаро боғлиқ ва алоқадорликдаги якуний ифодада бириктирувчи кўрсаткичларнинг ўсиши ёки камайиши даражалари бўйича таъсирини аниқлашда қўллаш.

6. Ўртача миқдорлар усули. Бир турдаги ходисанинг ўзгарувчан белгилари асосида умумлаштириб таърифлашда қўллаш.

7. Индекслар усули. Умумўлчовга эга бўлмаган турли хилдаги жараёнларни ечишда қўллаш.

8. Занжирли боғланиш усули. Икки ёки ундан ортиқ бўлган кўрсаткичлар орасида узвий алоқадорлик, боғланишлик бўлган ҳолларда қўллаш ва хоказо.

Таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий – математик усуллар гуруҳига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Корреляцион – регрессион таҳлил усули;
- Логарифм усули (натижавий курс, гуруҳга омиллар таъсис);
- Матрицалар усули (таъсир этувчи омилларни қатор аниқлаш):

- Чизикли программалаштириш усули (муқобил қаторнинг оптимал вариантларни аниқлаш) ва хоказо.

Иқтисодий математик усуллар иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарда ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда узатишда қўлланилади.

Корхона молиявий ҳолатини аудит қилишда ушбу иқтисодий таҳлил қилиш усулларида фойдаланилади. Ушбу усуллар ёрдамида

- Бухгалтерия баланси таҳлили;
- Корхона активларининг таркиби ва ташкил топиш манбаларини таҳлили;
- Корхона баланси ликвидлиги таҳлили;
- Корхона тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили;
- Корхона молиявий барқарорлиги таҳлили;
- Корхона айланма маблағларининг айланишини таҳлилини қиламиз.

3.2. Бухгалтерия балансининг таҳлилда қўлланилиши. Корхона активларининг таркиби ва ташкил топиш манбаларини таҳлили.

Корхона баланси ликвидлиги ва тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили.

Бухгалтерия балансини таҳлил қилишга тайёрлаш уни тузишни тўғрилигини ва моддаларининг аниқлигини текширишни, баланс кўрсаткичлари билан молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклари ўртасидаги боғланишни аниқлашни кўзда тутди. Баланс тузилишининг тўғрилигини текширишда арифметик ва моддий текширувлар амалга оширилиши керак бўлади. Арифметик текширув баланс ва айланма қайднома (ведомостлар), Бош дафтардаги суммаларни солиштириш, баланс гуруҳлари ва бўлимлари бўйича суммаларни актив ва пассив якунлари тенглигини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Моддий текширувлар моддий бойликлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Товар-моддий бойликларнинг барча

қолдиғи уларни натура шаклида хақиқий мавжудлигига мувофиқ келиши керак. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари қолдиғини ҳисобот маълумотларини йўқлама (инвентаризасия) далолатномалари билан таққослаб текширган маъқул. Таҳлил қилишнинг самараси авваламбор ҳисобот маълумотларининг сифатига боғлиқ. Шу боис ҳисоб ва ҳисобот материалларни текшириш керак. Молиявий ҳисобот маълумотларини таҳлилий жиҳатдан қайта ишлашнинг усулларида бири таҳлилий жадвалларни тузишдир. Жадвалга таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг база ва амалдаги даражаси киритилади, мутлоқ фарқ аниқланади ҳамда тегишли хулоса ёзилади.

Таҳлилий жадваллар устунлиги шундан иборатки, у ҳам бўлса кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиши жуда ҳам аниқ кўргазмали тарзда намоён бўлади.

Мисол учун «Ўзбекистон» ПТК нинг бухгалтерия балансини таҳлил қиламиз (6-жадвал).

(минг сўм)



БУХГАЛТЕРСИЯ БАЛАНСИ - Форма № 1				
Наименование показателей	Код стр.	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014
1	2	3	4	5
АКТИВ				
I. Долгосрочные активы				
Основные средства:				
Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300)	010	2 644 214,00	6 905 629,00	7 124 390,00
Сумма износа (0200)	011	1 234 461,00	508 349,00	1 180 744,00
Остаточная (балансовая) стоимость [010-011]	012	1 409 753,00	6 397 280,00	5 943 646,00
Нематериальные активы:				
Первоначальная стоимость (0400)	020			
Сумма амортизации (0500)	021			
Остаточная (балансовая) стоимость [020-021]	022	0,00	0,00	0,00
Долгосрочные инвестиции, всего [стр. 040+050+060+070+080]	030	44 418,00	563 078,00	567 351,00
в том числе:				
Ценные бумаги (0610)	040	44 418,00	160 815,00	165 088,00
Инвестиции в дочерние хозяйственные общества (0620)	050			
Инвестиции в зависимые хозяйственные общества (0630)	060		402 263,00	402 263,00
Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640)	070			
Прочие долгосрочные инвестиции (0690)	080			
Оборудование к установке (0700)	090			

Капитальные вложения (0800)	100	26 238,00	7 975 276,00	17 274 012,00
Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940)	110			
Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)	120			
Итого по разделу I [012+022+030+090+100+110+120]	130	1 480 409,00	14 935 634,00	23 785 009,00
II. Текущие активы				
Товарно-материальные запасы, всего [стр. 150+160+170+180],	140	17 400 547,00	16 447 463,00	16 570 207,00
в том числе:				
Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600)	150	13 293 330,00	14 524 279,00	14 375 392,00
Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700)	160		727 110,00	1 633 783,00
Готовая продукция (2800)	170	3 896 351,00	975 612,00	540 106,00
Товары (2900 за минусом 2980)	180	210 866,00	220 462,00	20 926,00
Расходы будущих периодов (3100)	190	1 674 214,00	2 116 415,00	2 012 914,00
Отсроченные расходы (3200)	200			
Дебиторы, всего [стр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310]	210	2 383 215,00	8 096 396,00	5 569 982,00
из нее: просроченная	211			
Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900)	220			
Задолженность обособленных подразделений (4110)	230			
Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120)	240		713 048,00	1 918 813,00
Авансы, выданные персоналу (4200)	250			
Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300)	260	983 224,00	1 889 179,00	1 910 901,00
Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)	270			
Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)	280			
Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600)	290			631 485,00
Задолженность персонала по прочим операциям (4700)	300			532 631,00
Прочие дебиторские задолженности (4800)	310	1 399 991,00	5 494 169,00	576 152,00
Денежные средства, всего [стр. 330+340+350+360],	320	122 173,00	360 571,00	518 822,00
в том числе:				
Денежные средства в кассе (5000)	330			
Денежные средства на расчетном счете (5100)	340		46,00	1 570,00
Денежные средства в иностранной валюте (5200)	350			
Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700)	360	122 173,00	360 525,00	517 252,00
Краткосрочные инвестиции (5800)	370			
Прочие текущие активы (5900)	380	658 239,00	7 007 437,00	14 208 688,00
Итого по разделу II [стр. 140+190+200+210+230+320+370+380]	390	22 238 388,00	34 028 282,00	38 880 613,00
ВСЕГО по АКТИВУ баланса [стр. 130+390]	400	23 718 797,00	48 963 916,00	62 665 622,00
1	2	3	4	5
ПАССИВ				
I. Источники собственных средств				
Уставный капитал (8300)	410	105 247,00	736 732,00	736 732,00
Добавленный капитал (8400)	420			

Резервный капитал (8500)	430	607 047,00	761 345,00	926 028,00
Выкупленные собственные акции (8600)	440			
Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700)	450	51 492,00	51 113,00	115 904,00
Целевые поступления (8800)	460	4 795 750,00	5 676 487,00	5 514 253,00
Резервы предстоящих расходов и платежей (8900)	470	47 439,00	116 657,00	0,00
Итого по разделу I [стр. 410+420+430-440+450+460+470]	480	5 606 975,00	7 342 334,00	7 292 917,00
II. Обязательства				
Долгосрочные обязательства, всего [стр. 500+510+520+530+540+550+560+570+580+590]	490	105 000,00	0,00	0,00
в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность [стр. 500+520+540+560+590]	491			
Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000)	500			
Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110)	510			
Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (7120)	520			
Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230)	530			
Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240)	540			
Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290)	550			
Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (7300)	560			
Долгосрочные банковские кредиты (7810)	570	105 000,00		
Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840)	580			
Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900)	590			
Текущие обязательства, всего [стр. 610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760]	600	18 006 822,00	41 621 582,00	55 372 705,00
в том числе: текущая кредиторская задолженность (стр. 610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	8 354 195,00	16 418 969,00	22 624 215,00
из нее: просроченная текущая кредиторская задолженность	602			
Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000)	610	907 089,00	714 197,00	1 925 446,00
Задолженность обособленным подразделениям (6110)	620	9 292 627,00	25 202 613,00	32 517 490,00
Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (6120)	630	15 629,00	7 935 957,00	8 061 539,00
Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230)	640			
Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240)	650	5 769 817,00	4 987 581,00	5 610 279,00
Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)	660			
Полученные авансы (6300)	670			
Задолженность по платежам в бюджет (6400)	680	249 742,00	336 493,00	805 156,00
Задолженность по страхованию (6510)	690			
Задолженность по платежам в государственные целевые фонды (6520)	700	429 365,00	772 723,00	1 259 371,00
Задолженность учредителям (6600)	710	19 767,00	60 722,00	166 500,00
Задолженность по оплате труда (6700)	720	326 398,00	113 469,00	294 941,00
Краткосрочные банковские кредиты (6810)	730	360 000,00		231 000,00
Краткосрочные займы (6820, 6830, 6840)	740			

Текущая часть долгосрочных обязательств (6950)	750			
Прочие кредиторские задолженности (6900 кроме 6950)	760	636 388,00	1 497 827,00	4 500 983,00
Итого по разделу II [стр. 490+600]	770	18 111 822,00	41 621 582,00	55 372 705,00
ВСЕГО по ПАССИВУ баланса [стр. 480+770]	780	23 718 797,00	48 963 916,00	62 665 622,00

6-жадвал. «Ўзбекистон» ПТК бухгалтерия баланси таҳлили.



Ҳозирги кунда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги ресурсларидан (молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари) фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади.

Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда, корхонанинг молиявий аҳволи, ресурслардан фойдаланиш

самарадорлигини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиниши лозим бўлади. Корхоналар активларининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса, балансга қараб, корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия баланси асосида дастлабки баҳолаш ҳисобот йили охирида бўлган баланс моддаларини йил бошига бўлган маълумотлар билан таққослаш ва четга чиқишларни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Балансинг айрим моддалари бўйича ўзгаришлар корхона хўжалик фаолияти натижасида содир бўлади.

Балансни таҳлил қилишда унинг тузилмаси аниқланади ва хўжалик фаолияти натижасида маблағлар ҳамда уларнинг манбалари таркибида содир бўлган ўзгаришлар ўрганилади; маблағлар қанчалик тўғри жойлаштирилганлиги аниқланади ва корхона молиявий аҳволига дастлабки баҳо берилади.

Таҳлил қилинаётган корхонанинг активлари ҳолатини бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади, уларнинг бир йилдаги ва қатор йиллардаги ўзгаришлари аниқланади (7-жадвал).

Кўрсаткичлар	01.01.2012		01.01.2013		01.01.2014		Фарқи (+,-)			
	сўмма, м.с.	салмоғи, %	сўмма, м.с.	салмоғи, %	сўмма, м.с.	салмоғи, %	01.01.2012 й. га нисбатан		01.01.2013 й. га нисбатан	
							сўмма, м.с.	салмоғи, %	сўмма, м.с.	салмоғи, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Жами мулк (400 сатр)	23 718 797,00	100,00	48 963 916,00	100,00	62 665 622,00	100,00	38 946 825,00	164,20	13 701 706,00	27,98
Жўмладан:										
1. Узоқ муддатли активлар (130 сатр)	1 480 409,00	6,24	14 935 634,00	30,50	23 785 009,00	37,96	22 304 600,00	31,71	8 849 375,00	7,45
ундан										
а) асосий воситалар (қолдиқ баҳода) (012сатр)	1 409 753,00	95,23	6 397 280,00	42,83	5 943 646,00	24,99	4 533 893,00	-70,24	-453 634,00	-17,84
б) акциялар, сармоялар (040-090 сатрлар)	44 418,00	3,00	563 078,00	3,77	567 351,00	2,39	522 933,00	-0,62	4 273,00	-1,38
в) бошқалар	26 238,00	1,77	7 975 276,00	53,40	17 274 012,00	72,63	17 247 774,00	70,85	9 298 736,00	19,23
2. Айланма активлар (390 сатр)	22 238 388,00	93,76	34 028 282,00	69,50	38 880 613,00	62,04	16 642 225,00	-31,71	4 852 331,00	-7,45
ундан										
а) захира ва харажатлар (150+180 сатрлар)	17 400 547,00	78,25	16 447 463,00	48,33	16 570 207,00	42,62	-830 340,00	-35,63	122 744,00	-5,72
б) пул маблағлари (330+360 сатрлар)	122 173,00	0,55	360 571,00	1,06	518 822,00	1,33	396 649,00	0,79	158 251,00	0,27
в) дебиторлик қарзлари (220+310 сатрлар)	2 383 215,00	10,72	8 096 396,00	23,79	5 569 982,00	14,33	3 186 767,00	3,61	-2 526 414,00	-9,47
г) бошқалар (190+380 сатрлар)	2 332 453,00	10,49	9 123 852,00	26,81	16 221 602,00	41,72	13 889 149,00	31,23	7 097 750,00	14,91

7-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК активлари ҳолатини таҳлили.

7-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада ҳисобот йили охирига келиб, корхона мулкининг асосий қисмини узоқ муддатли активлар 62,04% ва қолган 37,96%ни асосий воситалар ташкил қилган. Шунингдек, асосий воситалар 5 943 646 минг сўмни ва унинг салмоғи 24,99% ни, акциялар 567 351 минг сўмни ва унинг салмоғи 2,39% ни, захира ва харажатлар 16 570 207 минг сўмни ва унинг салмоғи 42,62% ни, пул маблағлари 518 822 минг сўмни ва унинг салмоғи 1,33% ни, дебиторлик қарзлари 5 569 982 минг сўмни ва унинг салмоғи 14,33% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар 2013 йил 1 январга нисбатан айримлари кўпайган, айримлари эса камайган. Мисол учун, асосий воситалар 17,84% га, акциялар 1,38% га, захира ва харажатлар 5,72% га, дебиторлик қарзлари 9,47% га

камайган, пул маблағлари эса 0,27% га, бошқа узоқ муддатли активлар 19,23%га, бошқа айланма активлар 14,91%га кўпайган.

Таҳлил қилинаётган корхонада муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар мавжуд эмас. Булар корхона маблағлари тузилмасини яхшилайти ҳамда молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Бозор муносабатлари даврида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритишни бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш резервларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берилиши керак. Янгича иш юритиш аввал учрамаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Корхонанинг ўз маблағлари устав, қўшилган ва захира сармоялардан; тақсимланмаган фойдадан; мақсадли тушумлар ва фондлардан; келгусидаги харажатлар ва тўловлар захираларидан; келгуси даврлар даромадларидан иборат бўлади.

Корхонанинг ўз маблағлари манбаларини таҳлил қилиш авваламбор бухгалтерия баланси, пассив 1-бўлими асосида дастлаб ўз маблағлари манбаларининг таркибий тузилишини ва уларнинг бир йилдаги ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Таҳлил учун 8-жадвални келтирамиз.

Кўрсаткичлар	01.01.2012		01.01.2013		01.01.2014		Фарқи (+,-)			
	сумма, м.с.	салмоғи, %	сумма, м.с.	салмоғи, %	сумма, м.с.	салмоғи, %	01.01.2012 й. га нисбатан		01.01.2013 й. га нисбатан	
							сумма, м.с.	салмоғи, %	сумма, м.с.	салмоғи, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Устав капитали (410 сатр)	105 247,00	1,88	736 732,00	10,03	736 732,00	10,10	631 485,00	8,22	0,00	0,07
Қўшилган капитал (420 сатр)	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Резерв капитали (430 сатр)	607 047,00	10,83	761 345,00	10,37	926 028,00	12,70	318 981,00	1,87	164 683,00	2,33
Тақсимланмаган фойда (450)	51 492,00	0,92	51 113,00	0,70	115 904,00	1,59	64 412,00	0,67	64 791,00	0,89
Мақсадли тушумлар ва фондлар (450 сатр)	4 795 750,00	85,53	5 676 487,00	77,31	5 514 253,00	75,61	718 503,00	-9,92	-162 234,00	-1,70
Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари (470 сатр)	47 439,00	0,85	116 657,00	1,59	0,00	0,00	-47 439,00	-0,85	-116 657,00	-1,59
Жами (480 сатр)	5 606 975,00	100,00	7 342 334,00	100,00	7 292 917,00	100,00	1 685 942,00	30,07	-49 417,00	-0,67

8-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК нинг ўз маблағлари манбаларининг таркибий тузилмаси ва уларнинг ўзгариши.

8-жадвал маълумотлари, корхонада 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра ўз маблағлари манбалари 2013 йил 1 январга қараганда 49417 минг сўмга ёки 0,67% га камайган. Бунинг сабаби шундан иборатки, мақсадли тушумлар ва фондлар 162 234 минг сўмга, яъни 1,70%, келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари 116 657 минг сўмга, яъни 1,59%га камайдигандир. Корхонада устав капитали сўнгги ҳисобот йили 736 732 минг сўмни ташкил қилиб, уни мулк манбаларидаги салмоғи 10,10% ни ташкил қилган. Резерв капитали ҳажми 164 683 минг сўмга ва унинг жами мулк манбаларидаги салмоғи 2,33% га кўпайган. Корхона мулки манбаларида сўнгги ҳисобот йили бошида мақсадли тушумлар ва фондларнинг салмоғи 77,31 % бўлган бўлса, йил охирига келиб 75,61% дан иборат бўлгани ҳолда, ўз маблағлари манбаларида у асосий ҳисобланади. Тақсимланмаган фойда сўнгги йил давомида 64 791 минг сўмга кўпайган ва ҳисобот йили охирига келиб 115 904 минг сўмни ташкил қилган.

Корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлиги деганда, асосан унинг ўз маблағларининг ҳажми қарзга олинган маблағлар ҳажмидан кўп бўлиши тушунилади. Таҳлил учун 9-жадвални келтирамиз.

Кўрсаткичлар	01.01.2012		01.01.2013		01.01.2014		Фарқи (+,-)			
	сўмма, м.с.	савдо ғн, %	сўмма, м.с.	савдо ғн, %	сўмма, м.с.	савдо ғн, %	01.01.2012 й. га нисбатан		01.01.2013 й. га нисбатан	
							сўмма, м.с.	савдо ғн, %	сўмма, м.с.	савдо ғн, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Жами мулк манбалари (780 сатр)	23 718 797,00	100,00	48 963 916,00	100,00	62 665 622,00	100,00	38 946 825,00	164,20	13 701 706,00	27,98
1. Ўз капитали (480 сатр)	5 606 975,00	23,64	7 342 334,00	15,00	7 292 917,00	11,64	1 685 942,00	-12,00	-49 417,00	-3,36
Жуғладан							0,00	0,00	0,00	0,00
сатр)	105 247,00	1,88	736 732,00	10,03	736 732,00	10,10	631 485,00	8,22	0,00	0,07
Қўшилган капитал (420 сатр)	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Резерв капитали (430 сатр)	607 047,00	10,83	761 345,00	10,37	926 028,00	12,70	318 981,00	1,87	164 683,00	2,33
фойда (450 сатр)	51 492,00	0,92	51 113,00	0,70	115 904,00	1,59	64 412,00	0,67	64 791,00	126,76
Мақсади тушумлар ва фондлар (450 сатр)	4 795 750,00	85,53	5 676 487,00	77,31	5 514 253,00	75,61	718 503,00	-9,92	-162 234,00	-2,86
Қалғуси харажатлар	47 439,00	0,85	116 657,00	1,59	0,00	0,00	-47 439,00	-0,85	-116 657,00	-100,00
2. Қарзга олинган капитал (770 сатр)	18 111 822,00	76,36	41 621 582,00	85,00	55 372 705,00	88,36	37 260 883,00	12,00	13 751 123,00	33,04
Жуғладан										
Узоқ муддатли мажбуриятлар (490 сатр)	105 000,00	0,58	0,00	0,00	0,00	0,00	-105 000,00	-0,58	0,00	0,00
Қисқа муддатли мажбуриятлар (600 сатр)	18 006 822,00	99,42	41 621 582,00	100,00	55 372 705,00	100,00	37 365 883,00	0,58	13 751 123,00	33,04

9-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК мулкни ташкил топиш манбалари ва уларни таҳлили.

9-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонанинг жами мулк манбалари 2014 йил 1 январга келиб 2013 йил 1 январга нисбатан 13 701 706 минг сўмга ошди. Ўз маблағларининг манбалари сўнгги ҳисобот йили бошига келиб 7 342 334 минг сўмни ёки 15% ни ташкил қилган ҳолда йил охирига келиб 7 292 917 минг сўмни ёки 11,64% дан иборат бўлган. Корхона мулкнинг асосий қисмини қарзга олган маблағлари ташкил этган. Ушбу кўрсаткич йил охирига 55 372 705 минг сўмни ёки 88,36%ни ташкил қилди. Ҳисобот даврида узоқ муддатли пасивлар мавжуд бўлмаган.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда корхона баланси ликвидлиги ва тўлов қобилиятни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш унинг молиявий ҳолатини баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Корхона баланси ликвидлигини таҳлил этиш молиявий таҳлилнинг энг асосий босқичларидан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳаёт-мамотини, уларни

банкрот бўлиш ёки келгусида фаолият кечириш муаммоларини очишга ёрдам беради.

Ликвидлилик корхонанинг ўз жорий активлари ҳисобига ўзининг қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажаришга лаёқатлилигини кўрсатади. Баланс активи “реализация қилинадиган”, яъни мол-мулкни исталган вақтда нақд пулга айлантиса бўлади. Баланс активининг моддалари йўқ бўлиб кетмай, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтади. Баланс пассивининг моддалари “узиладиган”, яъни улар қарздорлик узилиши туфайли “йўқ бўлиш” қобилиятига эга. Мана шундай “ликвидлик” пассивда реализация қилинадиган активлар билан акс эттириладиган мажбуриятларни тўлашни англатади.

Баланс ликвидлигини аниқлаш долзарблиги корхоналарни банкротлик оқибатида тугатиш муаммоси юзага келадиган бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Баланснинг ликвидлик даражасини аниқлаш учун активнинг маълум муддатда тўланиши лозим бўлган қисмига таққосланади. Агар актив моддалари реализация мажбуриятларини тўлаш учун кифоя қиладиган суммасини берса, бу маънода баланс ликвид, яъни корхона тўловга лаёқатли, акс ҳолда эса у тўловга лаёқатсиз ҳисобланади.

Баланс ликвидлигини керакли даражада бўлиши – бу корхона фаолиятини давом этиши, бошқа корхона ва ташкилотлар – таъминотчи, кредитор, банк органлари ва давлат бюджети билан меъёрий иқтисодий алоқаларни давом эттириш кафолатидир. Бозор муносабатлари мураккаб бўлиб, бу вазиятда корхона баланси ликвидлик хусусиятга эга ва эга бўлмаслиги мумкин. Баланснинг ликвидлиги тасодифан, вақтинча, узоқ муддатли ва доимий бўлиши мумкин. Лекин амалиёт талаби – корхоналар баланси ликвидликка эга бўлишидир. Баланснинг ликвидлик хусусияти бозор муносабатларининг асосий талабларидан биридир. Корхона ликвидлик хусусиятига эга бўлса, бу корхона иқтисодиёт мажмуасида фаолият кўрсатиши мумкин. Агарда корхона баланси бу хусусиятга эга бўлмаса, у бошқа корхона ва ташкилотлар билан меъёрий равишда иқтисодий

алоқаларни олиб боролмайди ва фаолият кечириши оғирлашиб кетади. Баланс ликвидлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиб туриш объектив заруриятдир.

В.С.Василева¹ баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган:

- ✓ жорий ликвидлик (қоплаш) коэффициенти;
- ✓ абсолют ликвидлик коэффициенти;
- ✓ ҳаракатчан ликвидлик;
- ✓ ишчи капиталининг самарадорлиги;
- ✓ қарзларнинг динамиклик омили.

А.Т.Иброҳимов² баланс ликвидлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этади:

- ✓ ликвидлик даражаси;
- ✓ қоплашнинг ўтиш коэффициенти;
- ✓ ликвидликнинг умумий коэффициенти;
- ✓ тоза тушум коэффициенти.

И.Т.Абдукаримов³ нақд пулга айланиш тезлигига кўра корхона активлари қуйидаги 4 гуруҳга ажратилади :

1. Ўта тез пулга айланадиган активлар.
2. Тез реализация қилинадиган активлар.
3. Секин реализация қилинадиган активлар.
4. Қийин реализация қилинадиган активлар.

Баланснинг пассиви ҳам айнан актив каби қарзларни қайтариш муддатига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Тез муддатда тўланадиган мажбуриятлар.
2. Қисқа муддатли пассивлар.
3. Узоқ муддатли пассивлар.
4. Доимий пассивлар.

¹ Василева В.С. «Финансовый анализ» Москва 2007



² Вахобов А.В., Иброҳимов А.Т. «Молиявий таҳлил» Тошкент 2002

³ Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» Тошкент 1999

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби усулини 10-жадвалда келтирамыз.

№	Актив	Сатр	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	Пассив	Сатр	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Ўта тез пулга айланадиган активлар, 2 ойгача	320	122 173,00	360 571,00	518 822,00	Зудлик билан тўланадиган мажбуриятлар, 2 ойгача	600	18 006 822,00	41 621 582,00	55 372 705,00
2	Тез сотиладиган активлар, 2 ойдан 6 ойгача	210	2 383 215,00	8 096 396,00	5 569 982,00	Қисқа муддатли мажбуриятлар, 2 ойдан 6 ойгача	620	9 292 627,00	25 202 613,00	32 517 490,00
3	Секин сотиладиган активлар, 6 ойдан 1 йилгача	030+130+190+20	3 199 041,00	17 615 127,00	26 365 274,00	Узоқ муддатли пассивлар, 6 ойдан 1 йилгача	490	105 000,00	0,00	0,00
4	Қийин сотиладиган активлар, 1 йилдан кўп	012+022+100	1 435 991,00	14 372 556,00	23 217 658,00	Доимий пассивлар, 1 йилдан кўп	480	5 606 975,00	7 342 334,00	7 292 917,00
	Жами:		7 140 420,00	40 444 650,00	55 671 736,00	Жами:		33 011 424,00	74 166 529,00	95 183 112,00

10-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК баланси ликвидлигини таҳлили.



Балансинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш эҳтиёжи корхона молиявий маблағларда чекланганлиги, шунингдек,

инвесторлар, акциядорлар ва турли кредиторлар учун тўловга лаёқатлилигини аниқлаш зарурияти муносабати билан юзага келади. Балансинг ликвидлигини таҳлил қилишда корхонанинг тўлаш қобилияти ҳам баҳоланиши зарур. Корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалайди.

Тўлов қобилияти деганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади.

Корхона баланси ликвидлигини аниқлаш мақсадида балансинг маълум моддалари ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларини акс эттирувчи коэффициентлар тарзидаги кўрсаткичларни бутун бир тизими ҳисоблаб чиқилади. Балансни тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб, қуйидагилар киради:

2. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларнинг жорий мажбуриятлардаги улушини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг энг мобил (ҳаракатчан) қисми пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозлар ҳисобланади. Чунончи, қимматли қоғозлар тезда пулга айлантирилиб қарзларни узишга ва тўловларни тўлашга ишлатиш мумкин. Бинобарин, шу сабабли уларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати мутлоқ ликвидлик коэффициенти деб аталади. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти асосида шу вақтдаги мажбуриятларни қоплаш учун нақд пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу биринчи навбатда мазкур корхонага маҳсулот етказиб берувчилар учун аҳамиятли. Бу кўрсаткични нормадаги даражаси бўлиб >0.2 <0.7 ҳисобланади. Ушбу коэффициентни аҳамияти агар 0.2 дан кам, 0.7 дан юқори бўлмаса, у ҳолда назарий жиҳатдан корхонанинг тўлов қобилияти таъминланган бўлади.

3. Шошилинч ликвидлик коэффициенти. Шошилинч ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва

бошқа активлар улушини тавсифлайди. Ушбу коэффициент корхонанинг ликвид активлар ҳисобидан тезда жорий мажбуриятларни узиш қобилиятини кўрсатади. Шошилишч ликвидлик коэффициенти корхонанинг тез ликвид активлардан жорий мажбуриятларни бажариш қобилиятини белгилайди ва тўлаш коэффициенти кўрсаткичини тўлдиради. Шошилишч ликвидлик коэффициенти кўрсаткичининг юқорилиги молиявий хавф даражасининг пастлигидан ва четдан қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш учун яхши имкониятлар борлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич кредит беришда банклар ва кредит берувчи бошқа муассасаларни қизиқтиради. Ушбу коэффициентнинг нормадаги даражаси бўлиб $> 0,7 < 2,0$ ҳисобланади.

4. Жорий ликвидлик коэффициенти. Жорий ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишига кўра, яъни айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини тавсифлаб, корхонанинг тўловга лаёқатлилигига умумий баҳо беради. Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий деб қаралади. Аммо бў кўрсаткичнинг жиддий ўсиши номақбул бўлиб, ишлаб чиқариш захираларига жойланган маблағлар айланувчанлиги сусайганидан, дебиторлик қарзларининг асоссиз кўпайишидан далолат беради. Ушбу коэффициентнинг нормадаги даражаси бўлиб, $> 2 < 3,0$ яъни аҳамияти 2 дан 3 гача бўлиши назарий жиҳатдан асосланган. Агар ушбу коэффициентнинг аҳамияти 1-дан кам бўлса, у ҳолда корхона учун молиявий хавф-хатар туғилади. Чунки бу салбий ҳолат бир сўмлик қисқа муддатли қарзларга бир сўмдан кам жорий активлар тўғри келади дегани. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 3-дан кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, зеро менежмент нуқтаи назаридан активларни бошқариш борасидаги ўқувсизликдан далолат беради. Активларни керагидан кўп жамланиши улардан самарали фойдаланишга олиб келмайди. Лекин жорий ликвидлик коэффициенти аҳамияти 3-дан кўп бўлиши кредиторларни корхонага сармоя қўйишга кўпроқ жалб этади.

Энди корхона амалий маълумотларидан фойдаланиб, ушбу коэффициентларни таҳлил қилиб чиқамиз(11-жадвал).

№	Коеффициентлар	Норма	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014
1	2	3	4	5	6
1	Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	$0,2 < \text{МЛК} < 0,7$	0,00	0,01	0,01
2	Шошилинч ликвидлик коэффициенти	$0,7 < \text{ШЛК} < 2,0$	0,04	0,22	0,38
3	Жорий ликвидлик коэффициенти	$2,0 < \text{ЖЛК} < 3,0$	0,94	0,69	0,62

11-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК балансининг тўлов қобилиятини (ликвидлик) коэффициентиларини таҳлили.

11-жадвал маълумотларидан кўринишича, мутлоқ ликвидлик коэффициенти ҳеч бир ҳисобот даврида норма даражасида бўлмаган, яъни 0,00 , 0,01 ва 0,01 га тенг бўлган. Корхонада шошилинч ликвидлик коэффициенти сўнгги ҳисобот йили бошида – 0,22, йил охирида – 0,38 коэффициентни ташкил қилди, яъни бу кўрсаткич ҳам норма доирасида бўлмаган. Жорий ликвидлик коэффициенти таҳлил давомида 0,94, 0,69 ва 0,62 коэффициентни ташкил қилди. Демак, корхона балансини тўловга лаёқатли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Корхонани бундай аҳволдан олиб чиқиш учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ҳамда баҳолаб турилиши керак. Ликвидлик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади:

- ✓ маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- ✓ тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;
- ✓ дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- ✓ ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- ✓ жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;

✓ айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш.

Ликвидлик ва тўлов қобилияти даражаси кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳамда иқтисодий бақувватлигига боғлиқ бўлади.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун корхона, капиталини таркибини яхшилаш ва таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Корхона капиталини таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб қуйдагилар ҳисобланади:

1. Мустақилик коэффициенти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун хусусий капитал суммаси баланси жами суммасига бўлинади.
2. Молиявий барқарорлик коэффициенти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун: хусусий капитал плюс узоқ муддатли қарзга олинган капитал суммасини балансини жами суммасига бўлинади.
3. Маблағлар билан таъминланиш коэффициенти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун хусусий капиталнинг қарзга олинган капитал суммасига бўлинади.
4. Инвестиция коэффициент. Бу кўрсаткични аниқлаш учун хусусий капитал суммасини узоқ муддатли активлар бўлинади.

№	Кўрсаткичлар	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	Фарқи (+,-)	
					01.01.2012 й. га	01.01.2013 й. га
1	2	3	4	5	6	7
1	Мустақиллик коэффициенти	0,24	0,15	0,12	-0,12	-0,03
2	Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,24	0,15	0,12	-0,12	-0,03
3	Маблағлар билан таъминланиш коэффициенти	0,31	0,18	0,13	-0,18	-0,04
4	Инвестиция коэффициенти	53,40	-	-		

12-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК капиталини таркиби таҳлили.

12-жадвал маълумотларидан кўринаяптики корхона капиталининг таркиби йил мобайнида ёмонлашган, бунга сабаб бўлиб 2014 йил 1 январда 2013 йил 1 январга нисбатан мустақиллик коэффициенти 0,03 га, молиявий барқарорлик коэффициентини ҳам 0,03 га, маблағлар билан таъминланиш

коэффициенти 0,04 га камайиши ҳисобланади. Таҳлилнинг келгуси вазифаси корхона капитали таркибини яхшилашдан иборат.

3.3. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлили.

Корхонанинг айланма маблағларининг айланишини таҳлили.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона фаолиятини эркин ва мустақил бошқаришни тақозо этилади. Корхона молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими унинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда муҳим ва долзарб ҳисобланади. Активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар) га қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қоплайдиган, ноўрин дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларига ўз вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади.

Молиявий барқарорликка тегишли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Мисол учун, А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин⁴ томонидан молиявий таҳлилга бағишлаб чоп этилган “Молиявий таҳлил услуги” ўқув қўлланмасида корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қилганлар:

- ✓ ўзлик манбалар коэффициенти;
- ✓ ўзлик ва мажбуриятлар нисбати;
- ✓ чаққонлик коэффициенти;
- ✓ ҳаракатчан ва ҳаракатсиз маблағлар нисбати;
- ✓ қисқа муддатли қарзлар коэффициенти;
- ✓ захира ва харажатларни шаклланишида мустақил манбалар коэффициенти;
- ✓ кредиторлик қарзлар коэффициенти;

⁴ Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С. “Методика финансового анализа”. –М. : Юнити..2007

А.Ф.Ионова⁵ қуйидаги молиявий коэффициентларни тавсия этган:

- ✓ ўзлик капиталининг жамланганлик коэффициенти;
- ✓ узоқ муддатли мажбуриятларнинг таркибий коэффициенти;
- ✓ ўзлик капиталининг чаққонлик коэффициенти;
- ✓ қарзларни узоқ муддатга олиш коэффициенти.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий таҳлилга ва унинг айрим соҳаларига бағишланган адабиётлар, илмий рисола ва мақолалар чоп этилган. Мисол учун, Э.А.Акрамов⁶ томонидан чоп этилган “Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили” ўқув қўлланмани эътироф этиш жоиз. Ушбу ишда муаллиф молиявий барқарорликни икки тизимли кўрсаткичларга умумлаштиришни тавсия этган:

I. Асосий кўрсаткичлар:

- a. Ўзлик маблағларининг манбалари.
- b. Ўзлик маблағларининг манбалари ва узоқ муддатли пасивлар.
- c. Умумий манбалар – ўзлик маблағларининг манбалари, узоқ муддатли ва бошқа пасивлар.

II. Қўшимча кўрсаткичлар:

- a. Айланма маблағларнинг ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти.
- b. Мажбурият ва ўз манбалар нисбат коэффициенти.
- c. Молиявий қарамлик коэффициенти.
- d. Ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти.
- e. Молиялаштириш коэффициенти.
- f. Капитални қарзга олиш коэффициенти.

⁵ Ионова А.Ф., Селезнева А.А. “Финансовый анализ”. -М.: Юнити. 2009

⁶ Акрамов Э.А. «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили». - Т.: Молия. 2003

Иқтисодчи олим М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов⁷ томонидан чоп этилган “Иқтисодий таҳлил” ўқув қўлланмада молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни 5 гуруҳга бўлинади:

1. Хусусий маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Узоқ муддатли истикбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарорлиги, корхона иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва ивесторларга боғлиқлик даражаси молиявий барқарорлик мезони ҳисобланади. Корхонанинг ўзининг шу вақтга бўлган қарзлари билан ҳисобкитоб қилиш қобилятини тавсифловчи баланс ликвидлигидан фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик – корхонанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатдир.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, уларни бир йил ёки бир неча йил учун динамикада қиёслаш, уларнинг ёмонлашиш ёки яхшилашиш сабабларини аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшилашга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш керак бўлади. Молиявий барқарорлик коэффициентларининг аҳамияти асосан кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади, зеро ушбу коэффициентлар орқали улар корхонанинг чет эл сармояларига қарамлик даражасини, молиявий ҳолатининг барқарорлигини, банкрот (синиш) эҳтимолини ҳамда инвестиция сиёсатини юргизиш вариантларини аниқлайдилар. Корхоналарни молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилиш усулини қуйидаги 13-жадвалда келтирамыз.

⁷ Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. «Иқтисодий таҳлил» Тошкент 2004

Кўрсаткичлар	Норма	Аниқлаш тартиби
2	3	4
Қарзга олинган ва ўз маблағларининг нисбати	<1	770 сатр/480 сатр
Корхона жами мулкида асосий ва моддий айланма маблағларнинг улуши	>0,5	(130+140) сатр/400 сатр
Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг улуши	>0,3	130 сатр/400 сатр
Ўз маблағлари билан таъминланиши	>0,1	(480-130) сатр/390 сатр
Корхона тўлов қобилияти	>2,0	390 сатр/600 сатр
Узоқ муддатли қўйилмалар таркиби	>0,1	(570+580) сатр/130 сатр
Жалб қилинган капиталлар таркиби	<0,1	(570+580) сатр/770 сатр
Ўз капиталини узоқ муддатли мажбуриятларга нисбати	-	480 сатр/ (570+580) сатр
Ўзининг капиталининг асосий капиталга нисбати	-	480 сатр/ (012+030) сатр
Жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати	>1,0	390 сатр/770 сатр
Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати	<1,0	(570+580) сатр/480 сатр
Амортизацияни жамғариш коэффициенти	>0,5	(011+021) сатр/(010+020) сатр

13-жадвал. Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб усули.

Энди, «Ўзбекистон»ПТК амалий маълумотларини қўллаган ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари таҳлилин 14-жадвалда келтирамыз.

№	Кўрсаткичлар	Норма	01.01.12	01.01.13	01.01.14
1	2	3	4	5	6
1	Қарзга олинган ва ўз маблағларининг нисбати	<1	0,81	5,67	7,59
2	Корхона жами мулкида асосий ва моддий айланма маблағларнинг улуши	>0,5	0,80	0,64	0,64
3	Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг улуши	>0,3	0,06	0,31	0,38
4	Ўз маблағлари билан таъминланиши	>0,1	0,19	-0,22	-0,42
5	Корхона тўлов қобилияти	>2,0	1,23	0,82	0,70
6	Узоқ муддатли қўйилмалар таркиби	>0,1	0,07	-	-
7	Жалб қилинган капиталлар таркиби	<0,1	0,01	-	-
8	Ўз капиталини узоқ муддатли мажбуриятларга нисбати	-	53,40	-	-
9	Ўзининг капиталининг асосий капиталга нисбати	-	3,86	1,05	1,12
10	Жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати	>1,0	1,23	0,82	0,70
11	Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати	<1,0	0,02	-	-
12	Амортизацияни жамғариш коэффициенти	>0,5	0,47	0,07	0,17

14-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлили.

Корхонанинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини ва жалб қилинган қарз маблағларига қарамлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич – қарзга олинган ва ўз маблағларининг коэффициенти дир. 14–жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонанинг ўз маблағларининг ҳар сўмига 2012 йил 1 январда 0,81 тийин, 2013 йил 1 январда 5,67 тийин қарза олинган маблағлар тўғри келган бўлса, 2014 йил 1 январга келиб 7,59 тийинни ташкил этган. Демак, корхонанинг қарз маблағларига қарамлиги ошган. Бундай ҳолат унинг молиявий ҳолатини барқарорлик даражасини пасайтиради. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти ҳисобот йили охирига 1 дан катталигини эътироф этиш керак, яъни норма доирасидан ташқарида. Корхонанинг жами мулкида асосий ва айланма маблағларнинг улуши сўнгги ҳисобот йили бошида ҳам охирида ҳам 0,64 ни ташкил қилган, яъни ушбу кўрсаткич ўзгармаган. Асосий ва айланма маблағларнинг корхона мулкида тутган салмоғи тадбиркорлик билан корхона маблағларидан фойдаланиш даражасини кўрсатади. ушбу коэффициентнинг аҳамияти 0,5 дан кам бўлмаслиги керак. Яъни бу кўрсаткич норма доирасида. Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг улуши сўнгги ҳисобот йили охирига келиб 0,38 ни ташкил қилиб, ҳисобот йили бошига нисбатан 0,07 га кўпайган. Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг салмоғи коэффициенти 5-коэффициентни тўлдирувчи коэффициент ҳисобланиб, у асосий воситалардан қанчалик самарали фойдаланиш даражасини кўрсатади. Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти 0,1дан ошмаслиги керак. Корхона тўлов қобилияти йиллар давомида пасайган. Йиллар давомида ушбу кўрсаткич 1,23, 0,82 ва 0,70 ни ташкил этган. Корхонанинг тўлов қобилияти ўз айланма маблағларининг сақланувчанлиги, тез пулга айланадиган айланма активларнинг ҳолатига ҳамда улардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Ўзининг капиталининг асосий капиталга нисбати коэффициенти сўнгги ҳисобот йили 1,12 га тенг бўлиб, 0,07 га кўпайган. Демак таҳлил натижаларидан корхонанинг молиявий барқарорлиги ёмон эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Корхонадаги иқтисодий жараёнлар содир бўлишида айланма маблағларнинг роли каттадир. Айланма маблағлар қанчалик тез суръатлар билан айланса, улар қанча самарали фойдаланилса, корхонанинг молиявий барқарорлиги шунча яхши таъминланади.

Ҳозирги шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларни айланма маблағларини таҳлил қилиш муҳим масала ҳисобланади.

Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир. Улар асосий фондлардан фарқли ўлароқ, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Чунки бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўлиқ истеъмол қилиниб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказган ҳолда ҳам буюм-натура кўринишида, ҳам қиймат шаклида тикланади. Маблағларнинг улуши корхонанинг умумий хўжалик маблағларида фаолият соҳасига қараб, 60 % дан 90 % гача бўлади. Корхонанинг молиявий ва иқтисодий аҳволи кўп жиҳатдан ана шу маблағлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида етакчи ўринни айланма маблағлар ҳиссаси ташкил этади. Таҳлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун, улар керакли миқдорда ишлаб чиқаришнинг асосий ва айланма фондлари, меҳнат ва бошқа ресурслари билан таъминланиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ўз таркибига бино, иншоот, ускуна, хўжалик жиҳозларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг техникавий базасини ташкил этади ва узоқ вақт, кўплаб ишлаб чиқариш цикларида ҳизмат қилади. Уларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархига ўтказилади. Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш захираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир циклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига тўлиқ ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам айланма

маблағларни борлиги, ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Масалан, асосий воситалардан самарали фойдаланилса, меҳнат унумдорлиги ошади, таннарх камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Лекин корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо – айланма маблағларни айланиши билан корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, айланма маблағларнинг айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, айланма маблағларнинг айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин. Айланма маблағларнинг айланиши тезлатилса, унинг бир қисми тежалади, қўшимча фойда барпо бўлади, ундай ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Аксинча, айланма маблағларнинг айланиши секинлаштирилса, корхонага айланма маблағлари етмай қолади ва корхонада фаолиятни давом эттириш учун ташқи манбалардан (банк кредити ва ҳоказо) фойдаланиб, корхона айланма маблағлари тўлдирилиши керак. Шу сабабли корхоналарни айланма маблағларининг айланишини ўзгариши ва уни корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсири таҳлил этилади. Айланма маблағларни ишлаб чиқаришда иштирок этиш характери ва унга таъсир этиш даражаси; ҳосил бўлиш манбалари бўйича таснифлаш мумкин(-чизма).



-чизма. Айлама маблағларни таснифлаш кўрсаткичлари.

Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда баланс бўйича ўзига қарашли айланма маблағларнинг мавжуд суммаси аниқланади ва улар билан қай даражада таъминланганлигига баҳо берилади. Таҳлил учун 15-жадвални келтирамиз.

№	Кўрсаткичлар	Сатр	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	Фарқи (+,-)	
						01.01.2012 й. га нисбатан	01.01.2013 й. га нисбатан
1	2		3	4	5	6	7
1	Ўз маблағларининг манбалари	480	5 606 975,00	7 342 334,00	7 292 917,00	1 685 942,00	-49 417,00
2	Узоқ муддатли қарзлар	580	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
3	Жами манбалар		5 606 975,00	7 342 334,00	7 292 917,00	1 685 942,00	-49 417,00
4	ташқари активлар	130	1 480 409,00	14 935 634,00	23 785 009,00	22 304 600,00	8 849 375,00
5	Корхонанинг мавжуд ўзига қарашли айланма маблағлари		4 126 566,00	-7 593 300,00	-16 492 092,00	-20 618 658,00	-8 898 792,00
6	Моддий айланма маблағлар	140	17 400 547,00	16 447 463,00	16 570 207,00	-830 340,00	122 744,00
7	Моддий айланма маблағларни ўзига қарашли айланма маблағлар билан таъминланиши		-13 273 981,00	-24 040 763,00	-33 062 299,00	-19 788 318,00	-9 021 536,00

15-жадвал."Ўзбекистон" ПТК нинг мавжуд ўзига қарашли айланма маблағлари таҳлили.

15-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонанинг ўзига қарашли маблағлари 2013 йил 1 январда 7 342 334 минг сўмни ташкил этган ҳолда 2014 йил 1 январда 7 292 917 минг сўмни ташкил этган, яъни 49 417 минг сўмга камайган. Корхонада моддий айланма маблағларни ўзига қарашли айланма маблағлар билан таъминланмаган.Энди корхонани айланма маблағлар билан етарли даражада таъминланмаслик сабабларини ўрганиб чиқамиз. Бунинг учун корхонани ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлар ҳолатини таҳлил қиламиз (16-жадвал).

№	Захира ва харажатлар	01.01.2012		01.01.2013		01.01.2014		Фарқи (+,-)			
		сумма, м.с.	салмоғи, %	сумма, м.с.	салмоғи, %	сумма, м.с.	салмоғи, %	01.01.2012 й. га нисбатан		01.01.2013 й. га нисбатан	
								сумма	салмоғи	сумма	салмоғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Ишлаб чиқариш захиралари	13 293 330,00	77,33	14 524 279,00	89,51	14 375 392,00	86,86	1 082 062,00	9,53	-148 887,00	-2,64
2	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0	0,00	727 110,00	4,48	1 633 783,00	9,87	1 633 783,00	9,87	906 673,00	5,39
3	Тайёр маҳсулот	3 896 351,00	22,67	975 612,00	6,01	540 106,00	3,26	-3 356 245,00	-19,40	-435 506,00	-2,75
4	Захира ва харажатларни жами	17 189 681,00	100,00	16 227 001,00	100,00	16 549 281,00	100,00	-640 400,00	-3,73	322 280,00	1,99

16-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК нинг захира ва харажатлари ҳолатининг таҳлили.

16-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада сўнгги йил мобайнида захира ва харажатлар 322 280 минг сўмга ёки 1,99% га кўпайган. Корхонада захира ва харажатлар таркибида ишлаб чиқариш захираларини салмоғи сўнгги ҳисобот йили бошида 89,51%ни, охирида 86,86%ни, тайёр маҳсулотнинг салмоғи эса 6,01% ва 3,26% ни ташкил қилди.

Айланма маблағларни айланишини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

1. Айланма маблағларни айланиш коэффициенти. Айланма маблағларни бир йилда неча марта айланишини билдиради.
2. Айланма маблағларни айланиш куни. Айланиш куни, айланма маблағларни бир марта айланиб чиқиш учун неча кун кетганини ифодалайди.
3. Айланма маблағларни бандлик коэффициенти. Бандлик коэффициенти, айланма маблағларни оборотда, яъни реализация ҳажмида тутган ўрнини ифодалайди.

Айланма маблағларни айланишини бир ойлигини, бир кварталлигини, ярим йиллигини ва бир йиллигини аниқлаш ва таҳлил қилиш мумкин. Энди юқорида кўрилган айланма маблағларни айланиши билан корхонанинг молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани ифодаловчи кўрсаткичларни корхона

амалий маълумотларини қўллаган ҳолда қуйидаги 17-жадвалда кўриб чиқамиз.

№	Кўрсаткичлар	Сатр	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	Фарқи (+,-)	
						01.01.2012 й. га нисбатан	01.01.2013 й. га нисбатан
1	2		3	4	5	6	7
1	Сопишдан олиган соф тушум		11 537 894,00	14 232 315,00	16 344 669,00	4 806 775,00	2 112 354,00
2	Моддий айланма маблағларни ўртача йиллик қолдиғи		17 400 547,00	16 447 463,00	16 570 207,00	-830 340,00	122 744,00
3	Ўртача дебиторлик қарзлари		2 383 215,00	8 096 396,00	5 569 982,00	3 186 767,00	-2 526 414,00
4	Ҳисобот давридаги кун		250	252	253	3,00	1,00
5	Моддий айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти		0,66	0,87	0,99	0,32	0,12
6	Моддий айланма маблағларнинг айланиш куни		377,03	291,22	256,49	-120,54	-34,73
7	Моддий айланма маблағларнинг бандлилик коэффициенти		1,51	1,16	1,01	-0,49	-0,14
8	Дебиторлик қарзлари айланиш коэффициенти		4,84	1,76	2,93	-1,91	1,18
9	Дебиторлик қарзлари айланиш куни		51,64	143,36	86,22	34,58	-57,14
10	Бир кунлик оборот		46 151,58	56 477,44	64 603,43	18 451,86	8 125,99
11	Айланма маблағларни айланишнинг тезлашуви натижасида маблағларни бир қисmini ортиб қолиши						
12	Айланма маблағларни айланишнинг секинлашуви натижасида оборотга қўшимча маблағларни жалб қилиниши		-5 563 077,83	-6 807 750,12	-7 787 251,63		

17-жадвал. "Ўзбекистон" ПТК нинг айланма маблағларини айланиш кўрсаткичларини таҳлили.

17-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, моддий айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти сўнгги ҳисобот йили 0,12 бандга кўпайган. Моддий айланма маблағларнинг айланиш куни эса 34,73 кунга камайган. Бунинг натижасида уларнинг бандлилик коэффициенти ҳам 0,14 га камайган. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти 1,18 га ошган, айланиш куни эса 57,14 га камайган. Бир кунлик оборот ҳажми ҳисобот йили охирида 64 603,43 минг сўмни ташкил қилиб, 8 125 минг сўмга кўпайган.

Шундай қилиб, айланма маблағларнинг айланиб туришини таҳлил қилиш молиявий таҳлилнинг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, таҳлилчилар ва аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим.

IV боб. “Ўзбекистон” ПТК экологик таҳлили.

"Экологик таҳлил" биз учун нисбатан янги тушунча. Хўжалик юритиш фаолиятига боғлиқ бўлгани боис, экологик таҳлил тилимизга бозор муносабатлари билан бирга кириб келди. Бугунги кунда, бошқа давлатларда бўлганидек, бизда ҳам бирон-бир инвестиция компанияси ёки банк йўқки, корхонага кредит ажратаётиб кредит олувчи юритаётган фаолиятнинг экологик ҳимояланганини инвестиция таваккалчилиги нуктаи назаридан ўрганишга эътибор қаратмаса. Ишлаб чиқариш жараёнида экологик таҳлилга нисбатан эҳтиёжнинг деярли йўқлиги экологик таҳлил қонунчилиқ асосларининг ривожланишидаги сустрекда кўринади.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 24, 25 ва 27-моддаларида экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган бўлса-да, бу қоидалар бугунги кун учун етарли дея олмаймиз. Умуман, қонунда давлат экологик экспертизаси тушунчаси ва унинг объектлари хусусидаги қоидалар берилган бўлиб, улар асосан бошқа қонунларга ҳавола билан чегараланган. Ҷамоатчилиқ экологик экспертизаси ҳақидаги қоидалар эса умумий тушунчалардан иборат. Қонунда экологик аудит хусусида бирон-бир жумла учрамайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида экологик экспертиза давлат ва ҷамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит тарзида амалга оширилиши белгиланган. Бу эса, экологик аудитни экологик экспертизанинг бир тури сифатида эътироф этишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Қонунда экологик таҳлил экологик таҳлилчилар (фирмалар) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган, атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир, дея таърифланади.

Таъкидлаш жоизки, экологик таҳлил, давлат экологик экспертизасидан фарқли равишда, хўжалик ва ишлаб чиқариш объекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади.

Амалдаги қонунчилик экологик таҳлил турлари ҳақида маълумот бермаса-да, республикамизда ихтиёрий экологик аудитнинг ҳуқуқий асослари белгиланган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, "Экологик таҳлил хўжалик ва бошқа хил фаолият объекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади". Бу эса, экологик таҳлилнинг ихтиёрийлигини кўрсатади.

Экологик таҳлилга доир қонунчиликни ўрганиш натижасида республикамиз экологик қонунчилигида қуйидаги бўшлиқлар мавжуд деган фикрга келдик:

- қонунчиликда экологик таҳлилнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмаган;

- республикада экологик таҳлилчилик фирмалари фаолияти сезилмайди, бунинг сабаблардан бири қонунчиликда уларни ташкил этиш тартиби ва талаблари белгиланмаганидир;

- экологик экспертиза тизимида экологик таҳлилнинг роли паст.

Бизнингча, ушбу муаммоларни экологик қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан ҳал этиш мумкин. Шу мақсадда:

- "Экологик таҳлил тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ва бу ҳужжатда экологик таҳлилнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш;

- экологик таҳлил тизимида экологик аудитнинг ролини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларида мажбурий экологик аудит ўтказиш ҳолатларини белгилаш лозим.

Ушбу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики экологик таҳлил қилиш мураккаб масала. "Ўзбекистон" ПТК мисолида экологик харажатларни таҳлил

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, корхонада ҳисобот йили охирига келиб, корхона мулкининг асосий қисмини узоқ муддатли активлар 62,04% ва қолган 37,96%ни асосий воситалар ташкил қилган. Шунингдек, асосий воситалар 5 943 646 минг сўмни ва унинг салмоғи 24,99% ни, акциялар 567 351 минг сўмни ва унинг салмоғи 2,39% ни, захира ва харажатлар 16 570 207 минг сўмни ва унинг салмоғи 42,62% ни, пул маблағлари 518 822 минг сўмни ва унинг салмоғи 1,33% ни, дебиторлик қарзлари 5 569 982 минг сўмни ва унинг салмоғи 14,33% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар 2013 йил 1 январга нисбатан айримлари кўпайган, айримлари эса камайган. Корхонада 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра ўз маблағлари манбалари 2013 йил 1 январга қараганда 49417 минг сўмга ёки 0,67% га камайган. Бунинг сабаби шундан иборатки, мақсадли тушумлар ва фондлар 162 234 минг сўмга, яъни 1,70%, келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари 116 657 минг сўмга, яъни 1,59%га камайдигандир. Корхонада устав капитали сўнгги ҳисобот йили 736 732 минг сўмни ташкил қилиб, уни мулк манбаларидаги салмоғи 10,10% ни ташкил қилган. Резерв капитали ҳажми 164 683 минг сўмга ва унинг жами мулк манбаларидаги салмоғи 2,33% га кўпайган. Корхона мулки манбаларида сўнгги ҳисобот йили бошида мақсадли тушумлар ва фондларнинг салмоғи 77,31 % бўлган бўлса, йил охирига келиб 75,61% дан иборат бўлгани ҳолда, ўз маблағлари манбаларида у асосий ҳисобланади. Тақсимланмаган фойда сўнгги йил давомида 64 791 минг сўмга кўпайган ва ҳисобот йили охирига келиб 115 904 минг сўмни ташкил қилган. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти ҳеч бир ҳисобот даврида норма даражасида бўлмаган, яъни 0,00 , 0,01 ва 0,01 га тенг бўлган. Корхонада шошилинич ликвидлик коэффициенти сўнгги ҳисобот йили бошида – 0,22, йил охирида – 0,38 коэффициентни ташкил қилди, яъни бу кўрсаткич ҳам норма доирасида бўлмаган. Жорий ликвидлик коэффициенти таҳлил давомида 0,94, 0,69 ва 0,62 коэффициентни ташкил қилди. Демак, корхона балансини тўловга лаёқатли деб ҳисоблаб бўлмайди. корхонанинг ўз

маблағларининг ҳар сўмига 2012 йил 1 январда 0,81 тийин, 2013 йил 1 январда 5,67 тийин қарза олинган маблағлар тўғри келган бўлса, 2014 йил 1 январга келиб 7,59 тийинни ташкил этган. Демак, корхонанинг қарз маблағларига қарамлиги ошган. Бундай ҳолат унинг молиявий ҳолатини барқарорлик даражасини пасайтиради. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти ҳисобот йили охирига 1 дан катталигини эътироф этиш керак, яъни норма доирасидан ташқарида. Корхонанинг жами мулкида асосий ва айланма маблағларнинг улуши сўнгги ҳисобот йили бошида ҳам охирида ҳам 0,64 ни ташкил қилган, яъни ушбу кўрсаткич ўзгармаган. Асосий ва айланма маблағларнинг корхона мулкида тутган салмоғи тадбиркорлик билан корхона маблағларидан фойдаланиш даражасини кўрсатади. ушбу коэффициентнинг аҳамияти 0,5 дан кам бўлмаслиги керак. Яъни бу кўрсаткич норма доирасида. Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг улуши сўнгги ҳисобот йили охирига келиб 0,38 ни ташкил қилиб, ҳисобот йили бошига нисбатан 0,07 га кўпайган. Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг салмоғи коэффициенти 5-коэффициентни тўлдирувчи коэффициент ҳисобланиб, у асосий воситалардан қанчалик самарали фойдаланиш даражасини кўрсатади. Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти 0,1дан ошмаслиги керак. Корхона тўлов қобилияти йиллар давомида пасайган. Йиллар давомида ушбу кўрсаткич 1,23, 0,82 ва 0,70 ни ташкил этган. Корхонанинг тўлов қобилияти ўз айланма маблағларининг сақланувчанлиги, тез пулга айланадиган айланма активларнинг ҳолатига ҳамда улардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Ўзининг капиталининг асосий капиталга нисбати коэффициенти сўнгги ҳисобот йили 1,12 га тенг бўлиб, 0,07 га кўпайган. Демак таҳлил натижаларидан корхонанинг молиявий барқарорлиги ёмон эмас, деган хулосага келиш мумкин. корхонанинг ўзига қаршли маблағлари 2013 йил 1 январда 7 342 334 минг сўмни ташкил этган ҳолда 2014 йил 1 январда 7 292 917 минг сўмни ташкил этган, яъни 49 417 минг сўмга камайган. Корхонада моддий айланма маблағларни ўзига қаршли айланма маблағлар билан таъминланмаган. Моддий айланма маблағларнинг

айланиш коэффициенти сўнгги ҳисобот йили 0,12 бандга кўпайган. Моддий айланма маблағларнинг айланиш куни эса 34,73 кунга камайган. Бунинг натижасида уларнинг бандлилик коэффициенти ҳам 0,14 га камайган. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти 1,18 га ошган, айланиш куни эса 57,14 га камайган. Бир кунлик оборот ҳажми ҳисобот йили охирида 64 603,43 минг сўмни ташкил қилиб, 8 125 минг сўмга кўпайган.

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш учун хусусий капиталнинг кўпайиши, ундан самарали фойдаланиш лозим. Корхона хусусий капиталининг кўпайиши биринчи марта таъсисчилар ҳисобидан ташкил топган Низом жамғармаси орқали таъминласа, кейинчалик корхона фаолияти давомида олинган фойдадан ажратмалар эвазига кўпайтириб бориш мумкин. Шу туфайли хусусий капитални кўпайтириш учун, энг аввало, корхона фойдасини кўпайтириб бориш мумкин. Корхонанинг фойдаси ҳар қандай хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб қолмасдан, балки самарали фаолият натижасидир.

Корхоналарнинг жуда кўп харажати банклардан олинган қарз учун тўланадиган фоиз ва транспорт харажати ташкил этади. Шу туфайли корхона имкони борича оборотдаги маблағларда ўз маблағларининг улушини кўпайтириши ва ниҳоят барча оборот маблағларини ўзининг ҳисобидан қоплаши лозим. Асосий воситаларни шакллантиришда унинг ҳиссасида фаол қисмини кўпайтириш ва жисмоний меҳнатни енгиллаштирувчи ускуналарни сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Агар корхонанинг транспорт воситаси бўлса, у фақат корхона зарарини камайтирибгина қолмасдан, балки фойда олишни ҳам таъминлаши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаганда асосий воситалар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш технологияси тез ўзгараётган, фан-техника тараққиёти жадаллашаётган пайтда асосий воситаларни зудлик билан янгиланишини тақозо қилади. Бу эса унинг амортизацияси меъёрини кўпайтиришни талаб қилади. Шундай экан, асосий воситаларнинг ҳам

янгиланиши, илғор технологияни узлуксиз равишда жорий қилишни таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши лозим.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири корхона дебитор қарзларини кўпайтирмаслик чорасини кўришдир. Ҳозирги пайтда жуда кўп фирмалар ва корхоналар молиявий жиҳатдан барқарор эмас. Бундай субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўлиш эҳтиёткорликни талаб қилади. Уларга товар бериш, пул ўтказиш ҳаракатдаги маблағни ўлик маблағга айлантириш билан баробар. Шу туфайли бундай хўжалик операсияларини содир қилишдан олдин ҳамкор субъектлар молия-хўжалик фаолиятини ҳам чуқур ўрганишни талаб қилади.

Молиявий барқарорликни таъминлашда четдан жалб қилинган маблағлар, хусусан банк кредитининг ҳам ўрни катта. Корхонанинг молиявий потенциали таркибида четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси камайиб бориши лозим. Банк кредити фоиз юқори бўлиб турган ҳозирги шароитда ҳар бир корхона имкони борича ундан кам фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Иш барқарорлашиб, ишлаб чиқриш фаолоияти бир меъёрга тушган пайтдагина банк кредитидан фойдаланиш маълум даражада яхши натижа бериши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни таъминлаш учун банк кредитидан фойдланиш вақтини, унинг ҳажмини ҳам билишни талаб қилади. Корхонанинг молиявий қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Бу ҳолат эркин рақобат шароитида янада муҳимдир. Шу туфайли корхона раҳбарлари корхонани молиявий қарамликдан сақлаш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бу – бир ёқлама ёки мавсумий юмуш эмас. У доим амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли, кўп қиррали ишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуклари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
2. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонун 30.08.1996
3. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.
4. “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 4453-сонли Президент Фармони 16.07.2012
5. Акрамов Э.А. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2003 .
6. Артёменко В.Г., Останов В.В. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. -М.: Омега-Л, 2009.
7. Берднюкова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. –М.:Инфра-М, 2010
8. Васильева Л.С. Финансовый анализ. Учебник. –М.: Кнорус. 2007.
9. Ваҳабов А.В.,. Иброҳимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. –Т.: Шарқ. 2005
10. Дўстмуродов «Аудит» 2қисм ўқув қўлланма Тошкент 2007
11. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджонов К.Б., Файзиев Ш., Ходжаева М.Х., Тулаев М.С. “Аудит” Тошкент 2010

12. Интернет сайтлари:

- www.lex.uz
- www.uza.uz
- www.ziyonet.com
- www.doc.uz
- www.mf.uz
- www.google.co.uz